



“Тонг”нинг баракали хирмони

Фарғона вилояти Учкўприк тумани ғаллакорлари бу йил 7 минг 180 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирди.

Туман миришкорлари бир текис униб чиққан ғалла майсаларини ўз вақтида су-

ғориш ҳамда минерал ўғитлар билан тўйинтириш, шунингдек, экинзорларнинг

турли касалликларга чалинишига йўл қўймаслик билан боғлиқ барча агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказгани ўз самарасини берди. “Тонг” фермер хўжалиги жамоаси ҳам ана шундай саъй-ҳара-

кат эвазига бугун ғалладан баракали хирмон кўтарди: 37 гектар ғаллазордан 55 центнердан ҳосил олинди. Фермер хўжалигида бўшаган майдонлар сомон поясидан тозаланиб, пешмапеш шудгор қилинаётир.

Суратда:
Учкўприк туманидаги “Тонг” фермер хўжалиги раҳбари Шукржон Худойкулов.

Муқимжон ҚОДИРОВ
(ЎЗА) олган сурат.



Ҳуқуқ ва эркинликларни

суд орқали ҳимоя қилиш соҳаси янада кенгаймоқда

Фракция йиғилиши

Ҳар қандай давлатнинг энг катта бойлиги — унинг халқи, энг олий қадрияти — Инсон, шу юрт фуқароси. Ватанимиз қисқа фурсат ичида эришган ютуқлар моҳиятида мана шу таъомилга оғишмай амал қилинганлик ҳам ётади. Зеро, бизнинг демократик жамиятимизда инсон ислохотлар учун яшамаяпти, аксинча, ислохотлар инсон учун амалга оширилмоқда, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Давоми 2-бетда ➤

Кучли фуқаролик жамияти сари

Маҳалла — фуқаролар манфаатларининг ҳимоячиси, янги жамиятда адолат ва демократиянинг қарор топишида энг ишончли омил, шунинг баробарида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётнинг таянчидир

Муносабат

У ўз ҳудуди доирасидаги одамлар турмуши, ҳаёти ва фаолияти, ўзаро муносабатларида жамиятнинг ахлоқ меъёрларини, қонунчилик маданиятини тобора яхшилаш, такомиллаштиришга хизмат қилувчи тузилма. Маҳаллада одамлар, оилалар тинчлиги, осойишталиги, ҳудуднинг ободлиги, кексаю ёшнинг меҳр-оқибати, осойишта турмушнинг фойз-барақаси йўлида ҳар қандай муаммолар ечимини топишга, инсофу диёнатга чорлаш, аъналарни қадрлашга интилиш мавжуд. Бир қарасанг, маҳаллада соф миллийликка интилиш кучлидай, аммо чуқурроқ разм солсанг, унда ғоят умуминсоний қадриятлар ардоқланади. Шу боис маҳаллани ҳақли равишда «Ватан ичра кичик бир Ватан» дея таърифлайдилар.

Маҳалла аталмиш ижтимоий тузилма юртимизда минг йиллар давомида шарқона демократиянинг ёрқин кўриниши сифатида амалда бўлиб келган. Энг асосийси, республикамизда демократиянинг ўзига хос бошқарув шакли бўлган маҳалла институтининг

бошқа давлатларда муқобили йўқ. Куни кеча матбуотда эълон қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон шаҳарчалар, қишлоқ-

лар, овуллар ва маҳаллалар фуқаролар йиғинлари фаолиятида янгидан-янги имкониятлар очиб бериши шубҳасиз. Фармон ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамиятда барқарорлик ва тотувликни, миллатлараро аҳилликни таъминлаш борасидаги масъулиятини янада оширишга даъват этади. Шу боис мен бунинг ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг бахту саодати учун қилинаётган ғамхўрлик ифодаси деб тушунаман.

Маҳаллада олиб бориладиган ишлар, хусусан, фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳамда «Маҳалла посбони» фаолияти бевосита оилалар билан боғлиқлигини назарда тутса, давлатимиз раҳбари томонидан уларни рағбатлантиришга берилган эътибор нечоғли муҳим аҳамиятга эга экани аён бўлади.

Давоми 2-бетда ➤

Истиқлол авлоди —

халқимизнинг бебаҳо хазинаси

Мухаррир минбари

Вақт ҳамма нарсага ҳакам деган гап бор. Аммо тарихда шундай лаҳзалар бўладики, уларнинг маъно-моҳиятини очиб беришга вақт тушунчаси ожизлик қилади. Жамият ҳаётида тараққиёт гоҳ секинлашади, гоҳ шиддат билан аниқ мақсад йўлида олдинга интилади ва бу интилишнинг ҳар куни, ҳар дақиқаси, эзгулика йўғрилган амаллари мангуликка дахлдор бўлиб, тарих саҳифаларига буюк бурилиш сифатида нақшланиб қолади.

Йигирманчи асрнинг адоғида қўлга киритган оламшумул ғалабамиз — халқимизнинг асрий орзуси рўёбга чиқиб, миллий мустақилликка эришганимиз, тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, қизил салтанат исканжасидан озод бўлганимиз, истиқлол деб аталмиш муқаддас бино пойдеворига буюк орзулар қанотида гишт қўйганимиз, айти чоғда халқимизнинг буюк бардоши, сабр-қаноати билан даврнинг қалтис синовларидан тинчомон ўтиб олганимиз, ёруғ келажак, фаровон ҳаёт сари кураш йўлимизни белгилаб олганимиз, ўз кучимизга таяганимиз — буларнинг ҳаммаси орадан ҳеч қанча вақт ўтмай истиқлолга эришиш ва уни мустаҳкамлаш тарихининг ибратли саҳифалари бўлиб

қолди. Бу тарихнинг ҳар лаҳзасида ўзимиз ҳам, мустақиллигимиз ҳам ўсиб-ўлғайди, дунёқарашимиз янгиланди, онг-шууримизга янгича қадриятлар сингди.

Бу улғу неъмат эндиликда ҳар биримизнинг қалбимиздан шу қадар чуқур ўрин олганки, унинг буюк ҳуқуқ ва имкониятлари бизга ҳамиша куч-қудрат, ғайрат-шижоат, фаоллик бахш этиб туради. Мустақиллик ҳаётимиздаги энг улғу, энг азиз байрам сифатида нафақат бизнинг, айти чоғда азиз фарзандларимизнинг, келажак авлодларнинг тақдирини, орзу-умидларини рўёбга чиқарувчи имконият эканини ҳис этишнинг ўзи нақадар фахрлидир.

Давоми 3-бетда ➤

Оилавий тадбиркорлик — фаровон турмуш имконияти

«Адолат» СДП Ургут тумани кенгаши ва депутатлик гуруҳининг яқдил ҳаракати ҳудудий муаммоларни енгиллаштиришга кўмак бермоқда

Ташаббус ва тажриба

Бугун тадбиркорликни ривожлантириш йўлида яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳар битта оиланинг кундалик ҳаётида, фаровон турмушида ўз аксини топиши ва фуқароларнинг жамиятдаги янгиланиш жараёнларидаги иштирокини рағбатлантириши лозим.



Давоми 5-бетда ➤

Партия ҳаёти

Давом. Боши 1-бетда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қўйи палатанинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилаётган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Кун тартибига иккинчи ўқишда киритилган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Тўхташев маъруза қилди.

Маърузачи Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиниши муносабати билан «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддаси биринчи қисмига, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 37-модда иккинчи қисмига, Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Фуқаролик процессуал кодексининг бир қатор моддаларига, бандларига қўшимча ва ўзгаришлар киритилаётганлигини баён қилар экан, ушбу қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрол жараёнида депутатлар томонидан берилган тақлиф ва мулоҳазалар инобатга олинганлигини таъкидлаб, қонун лойиҳасини такомиллаштиришга ўз тақлифлари билан ҳисса қўшгани учун Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоларига ўз миннатдорчилигини билдирди.

— Партиямиз ўз сайловолди дастури орқали мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг амалий шакли ва услубларини ишлаб чиқиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга фол қўмаклашишни мақсад қилган, — деди фракция аъзоси А.Раҳмонов. — Мазкур қонун лойиҳасида биринчи ўқишда фракциямиз аъзолари томонидан билдирилган тақлифлар акс эттирилгани ҳамда қонун лойиҳаси "Адолат" СДП дастурий ғоялари ва сайловолди платформасига тўла мос эканлиги боис уни қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, ушбу қонун келгусида фуқароларимиз ҳуқуқларининг кучли ва адолатли суд ҳокимияти орқали ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

«Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда депутатлар муҳокама-сига ҳавола этилди. Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси М.Сайфидинов ҳамда биринчи ўқишдан сўнг берилган тақлифларни инобатга олинган ҳолда, қонуннинг иккинчи ўқишга тақлиф қилинаётган тахрири билан таништириб ўтди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳасининг мақсади хатланган мол-мулкни реализация қилишнинг тартибга солишдан иборат.



Ҳуқуқ ва эркинликларни

суд орқали ҳимоя қилиш соҳаси янада кенгаймоқда

«Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилингунга қадар «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 56-моддасига асосан хатланган мол-мулкни, шу жумладан, ер участкаси, қурилиш тугалланмаган объектлар, кўчмас мулкни узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқлари, ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқлар, шунингдек, хатланган автомобилотранспорт воситаларини реализация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус акратилган майдончаларда, биржалар томонидан ўтказиладиган очик аукцион шаклидаги кимовиди савдосида амалга оширилган эди.

Риэлторлик фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиққанда, биржалар кўчмас мулк объектлари савдосини ташкил этиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш, яъни риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 июндаги фармоишига мувофиқ, Республика кўчмас мулк биржаси асосий фаолият йўналишларидан бири автомобилотранспорт воситалари савдосини ташкил этишдан иборат бўлган "Республика мулк маркази" ЁАЖ га айлантирилган.

Шу муносабат билан лойиҳада «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар» ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 56-ва 63-моддаларига хатланган кўчмас мулкларни риэлторлик ташкилотлари томонидан, хатланган автомобилотранспорт воситаларини эса савдонини ташкил этишнинг амалга оширувчи ташкилот сифатида махсус савдо ташкилотлари томонидан реализация

қилинишини назарда тутувчи ўзгаришлар киритиш тақлиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасига фракция аъзолари томонидан партия позициясидан келиб чиқиб қатор тақлифлар билдирилди ва қўллаб-қувватланди.

«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатлар эътиборига иккинчи ўқишда ҳавола қилинди.

— «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгиланган устувор йўналишлар ижроси юзасидан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасининг мақсади хусусий мулкни қўриқлаш ва унинг ҳимоя қилинишини қонун асосида таъминлаш; унинг дахлсизлиги кафолатларини амалда таъминлаш учун шароитлар яратиш, хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларни ҳимоя қилиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдир, — дейди фракция аъзоси А.Раҳмонов. — Лойиҳанинг асосий вазифаси эса жамиятда хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳар тарафлама ҳимоя қилувчи қонун талабларини сўзсиз ижро қилишга асосланган барқарорлик, фаровонлик ва тараққиёт муҳитини яратишдан иборатдир.

Давлат хусусий мулкдорлар ҳуқуқларининг ҳимоясига бўлиб, тадбиркорларнинг ўз бизнесига беҳавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, махсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик

қилиши, фойдаланиши ва тасаруф этиши учун ҳуқуқий кафолатлар яратди. «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилмаётган асосий кафолатларни янада мустаҳкамлайди.

Шунингдек, йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари биринчи ўқишда, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда фракция аъзолари томонидан муҳокама қилинди ва таъкидланди.

Кун тартибига киритилган масалалар юзасидан фракция аъзолари А.Раҳмонов, К.Ҳамидова, С.Турсунов ва О.Охунваларни Ўзбекистон «Адолат» СДП позицияси ва нуктаи-назарига асосланган ҳолда ўз тақлиф ва тавсияларини билдирдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи-назари белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илҳ. САХАТОВ,
«Адолат» мухбири

Кучли фуқаролик жамияти сари

Давом. Боши 1-бетда

Айтиш жоизки, маҳалла ва сиёсий партиялар бир-бирини тўлдирувчи, фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидир. Партияларнинг дастурларида кўтарилган вазифалар ижросида маҳаллалар елкадош бўлаётти. Жумладан, партиямизнинг дастурида ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш муҳимлиги эътироф этилган. Зеро, маҳалла — фуқаролик жамияти сари элтувчи йўлдир.

Мазкур Фармондан сўнг партиямиз билан ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланади, сифат ва самарадорлиги жиҳатидан янги поғонага кўтарилади.

Таъкидлаш жоизки, партиямиз ўзининг бир қатор дастур ва лойиҳалари асосида маҳаллалар билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйган. 2012 йилнинг мамлакатимизда "Мустақкам оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан жойларда "Аёлни улуглаш — оилани, Ватанини улуглашдир", "Оилавий тадбиркорлик — ижтимоий ҳимоя гарови", "Тинчлик бебаҳо неъмат" каби шиорлар остида жойлардаги ва маҳаллалардаги тарафдорларимиз кўмагида тадбирлар ташкил этилаётти. Партиямизнинг "Ёш адолатчилар" қаноти томонидан маҳаллаларда ёшлар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларда ҳар қандай мафкуравий хуружларга қарши тура оладиган иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни ташкил этиш-



га алоҳида эътибор қаратилаётган бўлса, "Аёллар қаноти" маҳаллаларда аёллар учун бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказишни режалаштирган.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз Фармони маҳалла институтининг ҳаёти-мизда тутган ўрни ва нуфузини янада оширади, сиёсий партиялар ва ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

Камола ҲАМИДОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

Ҳаётнинг ўзи маҳалланинг макеи, аҳамияти табиий равишда тобора ошиб бораётганини кўрсатмоқда.

Матбуотда эълон қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон инсон манфаатлари, унинг шаъни, кадр-қиммати энг олий қадрият ҳисобланган юртимизда барча касб эгалари қатори, маҳалладек ноёб тузилма ходимларига нисбатан ҳам ижтимоий ҳимоя тизими мукаммал йўлга қўйлаётганини кўрсатмоқда. Ижтимоий ҳимоя эса, ўз навбатида, ижтимоий адолатнинг рўёбга чиқишидир.

Маҳалла институтини — жамият пойдевори. Бу ерда ёшлар маънавий-ахлоқий тарбия топади, оила қўрғонини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашнинг, қолаверса, жамиятда барқарорлик ва тотувликни таъминлашнинг маркази ҳисобланади. Халқимизга хос фазилатлар, хусусан, муҳтожлар оғирини енгил қилиш, ночор қиларига кўмак бериш каби анъаналар ҳам маҳалла негизиде шаклланиб келаётганини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Демак, бу жиҳатдан маҳалла ижтимоий ҳимоя тараф-

дори бўлмиш Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг муҳим ижтимоий шериги, десак янглишмаган бўламиз. Шу нуктаи назардан айтганда, ҳайрихоҳларимиз ва сайловчиларимиз манфаатларини маҳалласиз, унинг ҳамкорлигисиз ҳимоя этиб бўлмайди.

Шу боис халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги «Адолат» СДП депутатлик гуруҳининг ҳар бир аъзоси ўзини ўзи бошқариш органлари билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйгани ҳолда тадбирларни ҳам айна маҳаллаларда ўтказаяпмизки, бу орқали одамларнинг яшаш шароитларидан бохабар бўлаяпмиз, уларни ўйлантираётган масалаларни сессиялар кун тартибига олиб чиқишга, муҳожа-атларни ечишга уринаяпмиз.

Президентимизнинг маҳалла бўлган юксак эътибори мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлайдиган ва шу орқали давлат ижтимоий дастурларини амалга оширишда ўзларини масъул деб биладиган Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзолари ва фаолларини ҳам мамнун қилди.

Шубҳасиз, мазкур Фармон зиммамиздаги масъулиятни янада ошириш билан бирга, олдимиздаги вазифаларни изчиллик билан рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг юрт равнақи, эл фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ижросидаги ўрни ва таъсирини сезиларли даражада кўтаришга ҳам хизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, жорий йилнинг Мустақкам оила йили деб номланиши, шу асосда Давлат дастури ҳаётга татбиқ этилгани ва унинг изчиллик билан ижроси таъминланаётгани мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида маҳалла ролин янада мустаҳкамлади.

Социал демократия мафкураси, мақсад ва вазифалари билан суғорилган партиямиз дастурида ёшларни қўллаб-қувватлаш, аёллар билан манфаатларини ҳимоя қилиш,

жамиятда барқарорлик, миллатлараро тотувликни таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бинобарин, мамлакатимизда олиб борилаётган оқлони сиёсатининг мазмун-моҳиятида ҳам халқимиз фаровонлиги ва юртимиз тараққиётини юксалтиришдек эзгу мақсадлар мужассам.


Шубҳасиз, ана шу эзгу мақсадлар рўёбига барчамиз бирдек масъулмиз. Давлатимиз

Байрам тухфаси

Ўтган шанба куни эълон қилинган «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармон Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг сайловолди дастурида белгилаб олинган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнларини янада кучайтириш мақсадида ҳамоҳанглиги билан ҳам бизни мамнун этди. Албатта, мазкур Фармон мамлакатимизда инсон кадр-қиммати, манфаати ҳамиша устувор эканлигининг яна бир далилидир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг шонли 21 йиллиги олдидан аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, эл-юрт фаровонлигини барқарорлаштириш йўлида шу йил 1 августдан ҳаётга татбиқ этиладиган ўзгаришлар халқимизнинг кенг қатлами учун ўзига хос тухфа бўлди.

Албатта, 2008 йили рўй бер-



Зеро, халқ дарди, ташвиши билан яшайдиган, ҳар жабҳада одамларнинг маслаҳат-гўйига айланган маҳалла фаолларининг меҳнати машаққатли. Давлатимиз раҳбарининг ана шу меҳнатни рағбатлантиришга доир Фармони уларга бўлган эътиборнинг яна бир далили бўлди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти» сари тамойили ҳаётга татбиқ этилиб бораётган шароитда мазкур Фармон бу жараёни янада бойитувчи омил бўлиб қолади.



Тошпўлат МАТИБАЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

даражага олиб келинди. Шундай бир шароитда юртимизда ижтимоий ҳимоя тизими тобора кучайиб бораётганининг ўзиёқ кўп нарсадан шохидлик бериб турибди.

Биз юртимиз бундан кейин ҳам бой-бадавлат бўлиб, турмушимиз янада тўкин бўлишини тилаб қоламиз.

Зумрад АКРАМЎЖАЕВА,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

Харабеклик фаоллар — ижтимоий ҳамкорлик тарафдори

Сиёсий ўқиш

Кейинги йилларда республикамизда фуқаролик жамияти институтлари, нодовлат нотижорат ташкилотлар фаолияти ривожланиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, бу борада сиёсий партияларнинг роли, жамиятда тутган ўрни ҳам алоҳида кўзга ташланади. Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг давлатимиз сиёсатини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш, фуқароларнинг амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида олиб бораётган ишлари ҳам алоҳида эътиборга моликдир.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сайловолди дастурида белгиланганидек, партия Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлаш йўлида давлат, бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари — жамоат биллашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари каби ташкилотлар саъй-харақатини бирлаштириш тарафдори. «Адолат» СДП Андижон тумани кенгаши томонидан Харабек кишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилган сиёсий ўқиш айни шу масалага бағишланди.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да кўрсатиб ўтилганидек, фуқаролик жамияти институтлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда. Фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Ўқув-семинарида, шунингдек, кейинги йилларда қабул қилинган «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари ҳақида ҳам сўз юритилди. Мазкур қонун ҳужжатларининг фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини кучайтиришга хизмат қилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

— Ўқув-семинари сиёсий партия ҳамда кишлоқ фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ташкил этилгани икки томонлама фойдали бўлди, — дейди Харабек кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдухалиқ Усмонов. — Чунки маҳалла фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий омилларидан бири бўлса, сиёсий партия эса уларни харақатлантирувчи кучдир. Фуқаролик институтлари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатлари юзасидан эшитилган маърузалар ҳам маҳалла фа-

олларига фойдали бўлди. Фаолларимизнинг сиёсий, ҳуқуқий билими, маданияти қанчалик юксалиб бурса, амалга ошираётган ҳар бир ишнинг самарали бўлади.

Фуқаролик жамияти институтларининг республикамизда амалга оширилаётган ислохотларда иштирокини таъминлаш, уларнинг ролин кучайтиришда муҳокама этилаётган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳим роль ўйнайди. Чунки мазкур қонун лойиҳасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан муносабатларини такомиллаштириш алоҳида кўзда тутилган. Шундан келиб чиқиб семинар давомида бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, семинарда ҳамкорликдаги бундай тадбирларни мунтазам ташкил этиб борилишига келишиб олинди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Андижон вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш —

Концепция:
устувор вазифалар

тараққиёт омили



Истиқлол авлоди — халқимизнинг бебаҳо хазинаси

Давони. Боши 1-бетда

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асосларини мунтазам такомиллаштириб бориш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, кейинги йилларда бу борадаги ишлар кўлами ва миқёси кенгайиб, мутлақо янги босқичга кўтарилди.

Бу борада Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси муҳим дастуриламал бўлаётди. Зотан, унда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш зарурати тўғрисида алоҳида фикр юритилган.

Ушбу вазифа ижроси юзасидан 2011 йилнинг июнь ойида Президентимизнинг "Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасида адлия органларининг ролини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Шу асосда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари фаолиятида ханузгача ечимини топмай келаётган қатор муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, ҳуқуқни қўллаш соҳаси устидан назорат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузурида Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди.

Айтиш мумкинки, Бош бошқарма вазирлик тизимида илгари фаолият кўрсатган Мониторинг марказидан таркибий тузилмаси, амалга оширадиган вазифалари, функциялари ва ваколатлари нуқтаи назардан бутунлай фарқ қилади. Хусусан, Бош бошқарма давлат ҳокимияти ва бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг ҳуқуқни қўллаш фаолияти устидан тизимли назорат олиб боради, бу йўналишда улар фаолиятида текширишлар ва мониторинглар ўтказиш, қонунбузилишлар ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўради. Жойлардаги

Бош бошқарма ўз фаолиятини олиб боришда асосий эътиборини барча жабҳада қонунчилик тўлиқ ва тўғри ишлашини таъминлаш, бу борада давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари фаолиятидаги муаммо ва камчиликларни уларнинг ўзига ва юқори турувчи идораларга кўрсатиш ва уларга кўмак бериш орқали бартараф этиш, энг муҳими, камчиликларни бартараф қилишга йўл қўймаслик бўйича зарур чораларни кўришга қаратади.

ҳудудий бўлинмалар нафақат аниқланган қонунбузилишларини бартараф этиш, балки уларнинг содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларга барҳам бериш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар қабул қилинишини ҳам таъминлайди.

Бош бошқарма таркибига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятида қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат олиб боради, бу йўналишда улар фаолиятида текширишлар ва мониторинглар ўтказиш, қонунбузилишлар ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўради. Жойлардаги

Жойлардаги ҳудудий бўлимлари эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, прокуратура органлари фаолиятида қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш сектори ҳамда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш секторидан иборат.

Умуман, ушбу янги тузилма мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими ривожланишининг ўзига хос шакли сифатида Концепцияда белгиланганидек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш принципининг амалда самарали ишлашига эришиш мақсадида ташкил этилди.

Шу жиҳатдан, Бош бошқарма зиммасига вазирликлар,

зоратни ташкил этиш, ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги қонунбузилишларини, суистеъмолликларни ўз вақтида аниқлаш вазифалари юклатилган.

Бундан ташқари, Бош бошқарма давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва назорат тузилмаларининг ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида ўтказилган мониторинг ва таҳлиллар натижаларига кўра, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Бир сўз билан айтганда, Бош бошқарма ўз фаолиятини олиб боришда асосий эътиборини барча жабҳада қонунчилик тўлиқ ва тўғри ишлашини таъминлаш, бу борада давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари фаолиятидаги муаммо ва камчиликларни уларнинг ўзига ва юқори турувчи идораларга кўрсатиш ва уларга кўмак бериш орқали бартараф этиш, энг муҳими, камчиликларни бартараф қилиш бўйича фактларни умумлаштириб, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг назорат қилиш материалларини кечиктириб бўлмайдиган чоралар қабул қилиш учун тегишли идораларга юборади. Зарур ҳолларда қонун ҳужжатлари таллабларини баҳарламаган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бу каби саъй-ҳаракатлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш, турмушимизнинг янада фаровон бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларида қонунга ҳурмат, масъулият ҳиссини ошириб, фуқароларда эртанги кунга ишонч руҳи юксалишини таъминлайди.

Фарҳод ҲАЙИТОВ,

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш Бош бошқармасининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими бош маслаҳатчиси

Нуфуз — амалий ишларда кўринад

Бошланғич
ташкilotларда

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Жиззах вилояти Кенгаши ўз сафларини изланувчан, ташаббускор, сиёсий етук, партиянинг гоё ва мақсадларига садоқатли кишилар ҳисобига кенгайтириб бориш ишига асосий вазифаларидан бири сифатида қараб келмоқда. Жойлардаги партия ташкilotларининг кенг қамровли фаолияти самараси ўларок, бугунги кунда сафларида турли касб-ҳунар эгалари бўлган 3200 нафардан ортқ аъзолари ҳамжихатликда бир гоё, бир эзгу мақсад йўлида бирлашган.

Айниқса, партиянинг дастурий гоё ва мақсадларини тарғиб этишда қуйи бўғинларнинг ўрни алоҳида. Буни биргина партия Кенгашининг йирик қуйи ташкilotларидан саналган Жиззах вилоят статистика бошқармаси қошидаги БПТ томонидан ташкил этилаётган тадбирлар мисолида кўришимиз мумкин.

Айни вақтда мазкур бошланғич ташкilotида ташкил этилаётган ҳар бир тадбир Мустаҳкам оила йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури тарғиботида уйғун равишда «Адолат» СДП илгари сураётган гоё ва мақсадларни қамраб олмақда. Буни биргина «Аёлни улуғлаш — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғлаш» деб номлан-



ган тадбир мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Жорий йилнинг Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши мамлакатимизда оилалар чиройи ва чароғбони бўлиши хотин-қизлар масаласи, оила институти янада юксалтириш аҳамияти кесб эътиборини ташкил этишга ботирадир, — дейди БПТ етакчиси Баҳром Яхшибоев. — Шу

муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури тўғрисидаги Қарорда оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга бўлган эътибор эгаллаган. Қолаверса, мазкур Қарорда эътироф этилган «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» деган инсонпарвар тамойил бугунги замон зай-

лига жуда мос. Бу мустақил давлатимиз тараққиётининг, айниқса, ҳозирги босқичида жуда муҳим ва ўта долзарб ҳисобланади. Партиямиз сайловотида дастуридан ҳам ўрин олган. Бу албатта, партиямиз гоёларининг ҳаётлигини ҳам исботлаб турибди. Шу боис қуйи ташкilotимиз томонидан ташкил этилаётган тадбирларда асосий эътибор соғлом оила соғлом бола, никоҳланувчи ва вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу муносабат билан ўтказилаётган ҳар бир тадбирларимизда аёлларнинг ҳуқуқий, сиёсий билимини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали қошидаги БПТ фаолиятида ҳам ана шундай фаолликни кўриш мумкин.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда ижтимоий йўналишда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар орасида хотин-қизлар, она ва бола саломатлиги масалалари марказий ўринни эгаллаб келмоқда, — дейди БПТ раиси Хилола Сафарова. — Бундай саъй-ҳаракатлар айнан Ўзбекистон «Адолат» СДП

гоёларига тўла мос келади ва бундай ёндашулар партия сайловотида дастуридан ҳам ўрин олган. Бу албатта, партиямиз гоёларининг ҳаётлигини ҳам исботлаб турибди. Шу боис қуйи ташкilotимиз томонидан ташкил этилаётган тадбирларда асосий эътибор соғлом оила соғлом бола, никоҳланувчи ва вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу муносабат билан ўтказилаётган ҳар бир тадбирларимизда аёлларнинг ҳуқуқий, сиёсий билимини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вилоятда мавжуд партиянинг 60 та бошланғич ташкilotида тизимли равишда «Мустаҳкам оила — жамият таянчи», «Одам савдоси — умумбашарий муаммо», «Ёшлар ОИТСга қарши» каби давра суҳбатлари, Президент маърузалари тарғиботида қаратилган тадбирлар мунтазам ташкил этили-

ши йўлга қўйилган. Аммо бу борада барча қуйи ташкilotларни бирдек фаол деб бўлмайди. Шу боис вилоят партия Кенгаши томонидан жойларда «Ўзбекистон «Адолат» СДП ташкilotлари фаолияти самарадорлигини ошириш — давр талаби» мавзусида ўқув-семинарлар ташкил этиб келинмоқда. Ушбу тадбирларда партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, БПТ раислари, «Аёллар» ва «Ёш адолатчилар» қаноти етакчилари, партия фаоллари иштироки таъминланмоқда.

Партия нуфузи амалий ишларда ошади. Бу жараёнда албатта, БПТ марказий ўринни эгаллайди. Шу боис ҳар бир бошланғич ташкilot етакчиси ўз бурчига нисбатан масъулият билан ёндашиши талаб этилади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Жиззах вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Партия ҳаёти

Фидойилик ва ташаббускорлик

депутатларнинг фаолият мезонига айланиши лозим

Депутатлик гуруҳларида

Депутатлик мақомига эга бўлиш — бу сайловчилар овозини олиш бўлибгина қолмай, балки юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида жонбозлик қилиш демакдир. Шу маънода, Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоларининг ҳар бири ўз фаолияти давомида ҳудудий партия ташкилотлари ва сайловчилар билан доимий алоқада бўлишга ҳамда ҳокимият вакиллик органида уларнинг манфаатларини изчил ифода этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Маълумки, ҳар йили мамлакатимиз ҳукумати томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича махсус дастурлар қабул қилинади. Уларнинг партия сайловолди дастури ва электорати нуктаи назаридан ижро этилишини назорат қилиш, амалга оширишда кўмаклашиш эса жойлардаги ҳар бир сиёсий партия ташкилоти олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Шу боис Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши бу масалага жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

— Маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиздан, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши раиси Н.Шодиёв, — тегишли маҳаллий Кенгаш фаолиятида жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва эркинлаштиришда, адолатли фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этишлари, ўз сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари, муаммо-ю кизикликлари доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига етказишлари, уларнинг манфаатларини изчил ҳимоя қилишлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг жамоатчилик олдида ўз фаолияти юзасидан ҳисобдорлиги механизми самарадорлигини оширишлари талаб этилмоқда. Шу билан бирга, партия сайловолди дастурида, шунингдек, партия фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни самарали амалга ошириш мақсадида маҳал-

лий кенгашлардаги депутатлар партия билан узвий алоқада ишлаши ҳам талаб этиб келинмоқда.

Яқинда Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши ташаббуси билан вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи иш режаси асосида Кува туманидаги Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институтининг Фарғона филиалида шу мақсадларга қаратилган кўча сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда қишлоқ ҳўжалигида энг яхши анъаналарни сақлаб қолиб, қишлоқ ҳўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш ва уни инновацион технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини оширишда депутатлик гуруҳи олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Унда халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутати, Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институтининг Фарғона филиали директори Рўзибой Мусаев қишлоқ ҳўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш ва уни инновацион технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ҳамда аҳолини турмуш даражасини оширишдаги депутатлик вазифалари бажарилиши ҳақида ҳисобот берди. Шунингдек, депутатлар номига аҳолидан тушаётган мурожаатлар ҳам муҳокама этилди.



— Кува туманидаги Опинапол қишлоқ ҳудудида 367 нафардан ортиқ ёшлар «Турон» кураш тури билан шугулланиб келишади, — деди Р.Мусаев. — Улар орасидан Ўзбекистон, Осиё чемпионлари кўплаб топилди. Республика тарма жамоасида 17 нафар аъзоси бор. Аммо айна вақтда ёшларнинг машғулотлар олиб бориш жойи мутлақо замон талабига жавоб бермайди. Шу маънодаги мурожаат сайловчилардан депутатлик гуруҳимизга келиб тушди. Бу масала мутасадди идора вакиллари билан ўрганиб чиқилган, янги спорт зал қурилиши учун қишлоқ ҳудудида 70 сотих ер майдони ажратиб берилишига қарор қилинди.

Мазкур йиғилишда таъкидланганидек, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси бажарилиши юзасидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини олиб бориш муҳим масалалар сирасига киради. Барча партия ташкилот-

лари ҳамда партиядан сайланган депутатларни бу вазифаларни бажариш учун жалб этиш ва депутатлар бошчилигида назорат гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш талаб этилади. Бу борада депутатлар, партия фаоллари маҳаллаларнинг аниқ ҳолатини пухта ўрганиб чиқишлари, мавжуд имконият ва камчиликларни аниқлаб олишлари айна мудиридир. Бир сўз билан айтганда, электоратимизни ўйлантираётган муаммоларни чуқурроқ ўрганиш ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат-эътиборини қаратиш керак. Зеро, фидойилик, ишчанлик ва ташаббускорлик депутатлик гуруҳларининг фаолият мезонига айланиши лозим.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Депутат минбари

Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора ривожланмоқда. Республикада бундан беш йил аввал 150 мингта тадбиркорлик субъекти фаолият юритган бўлса, эндиликда уларнинг сони ярим миллиондан ошиб кетгани бунинг тасдиғидир. Қолаверса, ялли ички маҳсулотда ҳам соҳа вакилларининг улуши йил сайин ортиб бораёптики, бу нафақат ички ва ташқи бозорга чиқарилаётган товарлар хилма-хиллигини, балки жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ноқулай шароитда юртимизда халқимиз турмуш фаровонлигини изчил юксалтириб боришга, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қиляпти. Бу борада яратилган мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий асос кўзланган натижаларни кўлга киритишда муҳим пойдевор бўлмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП:

мамлакатимизда амалга оширилаётган «Ислохот ислохот учун эмас, инсон учун» тамойилига риоя қилган ҳолда, келгусида ҳам кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этади

Бунга биргина «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ҳамда 2012 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида олиб борилаётган ишлар ҳам бунинг тасдиғи бўла олади.

Дастурга мувофиқ, жорий йилда 967,5 минг иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Эътиборлиси шундаки, мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш жараёнида тегишли вазирликлар, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида биринчи чоракда мамлакат бўйича 234,4 мингта янги иш ўрни, уларнинг 153 мингдан зиёди ёки қарийб 65,3 фоизи қишлоқ жойларида яратилди. Шубҳасиз, бунда жойларда янги корхоналар, кичик бизнес субъектлари ва микрофирмаларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилиш, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш салмоқли роль ўйнади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу жараёнларда давлат ва нодавлат ташкилотлари қаторида сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Махлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳам «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг устувор йўналишларида келиб чиққан ўз иш режаси асосида тадбиркорликни, айниса, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-маиший шароитларини янада яхшилашга кўмаклашиш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, уларнинг мамлакатимиз келажагини яра-

тиш йўлидаги изланишлари, тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини мунтазам кенгайтириб ҳамда рағбатлантириб бориш мақсадида қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бу борадаги ҳамкорликлар эса ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Ана шундай ҳамкорликдаги тадбирлардан бири республика Марказий банки ҳамда Хотин-қизлар кўмитаси билан Хоразм вилояти Урганч шаҳрида Давлат дастури ижросини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб этишга кўмаклашиш, уларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган «Мустаҳкам оила йилида хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, инновацион лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Тадбирда ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш орқали жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллашларига яқиндан кўмаклашиш, ривожланган бозор муносабатлари ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этишга тайёр йигит-қизларни тарбиялаш, уларга етарли эътибор қаратиш ва шарт-шароит яратиб бериш, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга кўмаклашиш каби масалалар иштирокчиларнинг муҳокама марказида бўлди.

Партия ҳамда тижорат банкларининг ўзаро ҳамкорлиги натижасида республика миёнида барча ҳудудларида, айниса, бориш қийин бўлган ва олис жойларда ўтказиладиган бундай тадбирлар мамлакатимизда

мизда кўплаб тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, ёшларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари ва шу орқали янги иш ўринлари яратиш, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнесни ривожлантириш, бошқа аҳоли қатламларини тадбиркорликка жалб этиш билан бир қаторда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги юксалишига ва янги иш ўринлари яратилишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилиди, албатта.

Анжуманда маҳаллий ҳокимлик, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ЁИХ, Ўрта махсус касб-хунар маркази, Фермер ҳўжаликлари уюшмаси, Деҳқон ва фермер ҳўжаликлари қўллаб-қувватлаш фонди ва бошқа жамоат ташкилотларининг ҳам иштироки жойларда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги мавжуд муаммолар ечимига жавоб топишга хизмат қилди.

Айтиш керакки, Ўзбекистон «Адолат» СДП мамлакатимизда амалга оширилаётган «Ислохот ислохот учун эмас, инсон учун» тамойилига риоя қилган ҳолда, келгусида ҳам кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этади. Қолаверса, партияимиз сайловолди дастурида жамиятда хотин-қизлар роли ва мақомини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш партиянинг бош мақсадларидан бири сифатида белгиланган бўлиб қўйилган.

Феруза ОМОНОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

Журналистлар ҳам ижтимоий адолат тарафдори

бу фикр нима учундир ХДПнинг гашини келтирмоқда

Партиялараро баҳс

Ахборот асрида жамоатчилик фикрини шакллантириш, қолаверса, сиёсий партиялар фаолиятини халққа етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни юқорилигини ҳис қилган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси журналист кадрлар меҳнатини доимо салмоқли баҳолайди. Яқинда нишонланган «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни» арафасида партияимиз Кенгашлари томонидан журналистлар даврасида турли тадбирлар ўтказилди, унда касб вакиллари табрикланди ва тақдирланди.

Шундай тадбирлардан бири партиянинг Андижон вилояти Кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ташаббуси билан «Сиёсий партиялар ва ОАВ ҳамкорлиги» мавзусида ўтказилди. Тадбирдан репортаж 27 июнь кўни www.adolat.uz сайтида чоп этилди. Байрам санасида журналистларга эҳтиром изҳор

қилиш, ҳамиша улар билан ҳамнафас эканлигимизни билдириш мақсадида тадбир ўтказгандик, холос.

Негадир бу самимият ХДПчиларга эриш туюлмоқда. «Ўзбекистон овози» газетасининг 2012 йил 10 июль сонида эълон қилинган «Журналистлар «Адолат» партиясининг электоратими?» сарлавҳали мақолада «Адолат» партияси-

нинг сайловолди дастурида электорати маълум қилинаётганлиги уларнинг орасида журналистлар тилга олинмагани пеш қилинади ва сарлавҳа асоссиз эканлиги худди катта бир камчиликни фож эътибордан бот-бот тақдорланади. Маълумки, электорат лотинча «electorate» сўзидан олинган бўлиб, «сайловчилар контингенти» деган маънони билдиради. Сиёсий партиялар сайловолди дастурларида ўз электоратини умумий шаклда тан олади, уларнинг таркибига кирувчи ҳар бир касб ёки мутахассислиқни номма-ном санаб чиқса, бири айтилиб, бошқаси тушиб қолиши натижасида ноаниқлик келиб чиқиши мумкин. Шундай экан, гарчи ХДП томони ўзича катъий талаб қўйганидек, «Адолат»нинг сайловолди дастурида электорат ҳақида сўз борар экан, «журналистлар», деб алоҳида таъкидланмаган бўлса ҳам, журналистлар доимо ижтимоий адолат, ҳақиқат, эзгулик тарафдори бўлиб келганини назарда тутсақ, партияимиз гоёларга улар учун бегона эмаслиги ойдинлашади. Демак, ижтимоий адолат, қонун

устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш гоёсини илгари суришда давом этаётган «Адолат» СДП учун бегона эмаслар.

Адолат туйғуси журналистнинг ёки журналистиканинг моҳиятини белгилайди. Адолат туйғусидан юзини четга бурадиган бирорта журналист борлигига ишонмаймиз. Шундай экан, «Ўзбекистон овози» газетаси ижодкорлари ҳам адолатдан юз ўгирилмаса керак. Адолат деган сўз, туйғу, тушунча эмасми, ҳар қандай журналистнинг қалбини титратган. Йўқ денгичи? Йўқ дейдиган журналист ўз танасига ўйлаб кўрсинчи?!

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари ходимлари «Ўзбекистонни кучли, обрўли, ўзини ўзи таъминлай оладиган давлат сифатида қўришни, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий адолат ҳўми сурадиган жамиятда яшашни истайдиганлар» сирасига кирмайдими? Буни ҳар бир онг-

ли инсон алоҳида изоҳларга эҳтиёж сезмай, таҳлил қилиб олиш қобилиятига эга.

Сайтда чоп этилган хабарга қайтсак. Унда ёритилган тадбирда асосан журналистика мутахассислигига эга партия аъзолари, хайрихоҳлари, партия тузилмаларида фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари, тажрибали журналистлар қатнашган. Аслида партиянинг Андижон вилояти Кенгаши таркибига ушбу соҳа вакиллари кўпчиликти ташкил қилади. 4 та туман (Олтинкўл, Пахтабод, Булоқбўши, Андижон) Кенгашлари ва 1 та (Хонобод) шаҳар Кенгашининг раислари айна пайтда маҳаллий нашрларга бош муҳаррирлик қиладилар. Ҳудуддан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари ва партия сафига кирган инсонлар орасида ҳам журналистлар анчагина. Мисол учун, вилоят хотин-қизлар кўмитаси наشري «Иқбол» газетасига партияимиз аъзоси Фахриддин Ўбайдуллаев, вилоят ички ишлар бошқармаси наشري «Садоқат» газетасига яна бир сафдошомиз Саидхон Аҳмадхонова бош муҳаррирлик қилмоқда. «Анди-

жон» нашриёт-матбаа акциядорлик жамияти ходимларининг кўпчилиги партияимиз аъзолари ҳисобланади.

— Вилоят Кенгаши журналистлар билан доимий ҳамкорликда эканлиги ҳеч кимга сир эмас, — дейди «Олтинкўл» газетаси бош муҳаррири Фахриддин Парпиев. — Тахририятимизда «Адолат» СДПнинг бошланғич партия ташкилоти тузилган бўлиб, ундаги ходимлар доимо партия гоёларини қўллаб-қувватлашади.

— Мен ҳам Кенгаш томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда иштирок этганман. Унда журналистика соҳасининг вилоятимиздаги етук мутахассислари «Адолат» даврасини тўлдириб турганидан яна бир бор қувондик. Тадбирдан кейинги хулосаларда журналистлар орасида партия гоёсига хайрихоҳлар кўплигидан келиб чиқиб, бу кейинги сайловларда ва ҳар кўни иш фаолияти-мизда ўз натижасини кўрсатишга ишонч билдирдик, — дейди «Давр садоси» газетаси бош муҳаррири Замира Кимсанова.

Дарҳақиқат, ХДП истаиди-

ми-йўқми, кўплаб журналистлар доимо Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сафларида у илгари сурган гоёларга хайрихоҳ бўлиб келишган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бу фикр нима учундир ХДПнинг гашини келтираётганини соғлом мантик билан тушуниб бўлмаяпти. Умуман олганда, байрам санасида машаққатли касб вакилларига билдирган самимий эҳтиромимизни нотўғри тушунган ҳолда, қилдан қийик ахтарган каби мақоланинг ўзидан эмас, сарлавҳасидан (!) ваҳимали «хато» топиш, буни «фаш этувчи» мақолани уялмасдан газетамда чоп этиш орқали ХДП нимага эришмоқчи, буни ҳам тушуниб бўлмайди.


Журналистикада тугалланмаган мавзуга «бу мавзуга яна қайтамиз», деган ибора бор. Биз бу мавзуга бошқа қайтмаймиз...

Дурдона АЛИМОВА,
www.adolat.uz сайти
мутахассиси

Эркин яшаб, эркин меҳнат қилганга нима етсин!

Истиқлол берган имконият

Қайки — дарё ёқасидаги катта қишлоқ: беш мингдан ортиқ хонадонда 24 мингга яқин аҳоли яшайди. Қадимий манбаларда тахминан 600 йил илгори ташкил топган, деб ёзилган. Аммо навқирон. Чунки унинг иккинчи ёши истиқлол билан тенг, десак муболаға бўлмас. Зеро, шундоққина туман маркази Учқўрғондан нари борса саккиз чақирим келадиган бу ердаги айтса арзирли бунёдкорликлар мустақиллик йилларида амалга оширилган.



Ҳозирги кунда қишлоқнинг қарийб 98 фоиз аҳолиси табиий газдан фойдаланади; айни шунча аҳоли тоза ичимлик сувида баҳраманд. Шундай қишлоқда тўрт-бештагина хўжалик моллари дўкониню, бир-иккита озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган савдо шохобчалари бўларди. Энди-чи? Ҳозир бу ерда 27 та савдо, 60 тага яқин маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, 2 та АЁҚШ, 10 та чеварчилик цехи, 5 та автомобилларни таъмирлайдиган устахона, яна ўнлаб обжувоз ва тегиримон, сартарошхона ва қасбоналар ал ҳизматда. Бу ҳақда сўрасангиз-ақсари қайқилиқлар гурур билан шундай

дейишади: "Эркин яшаб, эркин меҳнат қилганга нима етсин!" — Тўғри-да, авваллари табдиркорлик ҳеч кимнинг ҳаёлига келган эмас, — дейди Қайки қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Адашали Бекмирзаев. — Шу боис изланиш йўқ эди. Юқоридан кўрсатма, "йўл-йўрик" олиб ишлашга одатланиб қолган одамларда ташаббус етишмасди. Кўпчилик "Фақир киши панада" деган ақидага амал қилиб яшашни афзал кўрарди. Ҳозир бутунлай бошқа давр, бошқа замонда яшаймиз. Истиқлол туфайли қишлоқимизда мулкдорлар сафи кенгайди. Ишбилармонга, ишлайман деганга катта имтиёзлар яратилди.

Марказий Тиёншондан бошланган Норин дарёси шу қишлоқ яқинида қайрилиб, алоҳида ўзганга айланади. Бу ҳол афтидан унинг бугунги номига асос бўлган. Яъни, дарё бурилган жой "Қайрилиш" деб аталган ва бора-бора мазкур атама Қайкига айланиб кетган, дейишади. Энг муҳими, катта обихаёт ёқасида жойлашган мазкур қишлоқ деҳқончиликнинг қони, аҳолининг ақсари уста деҳқон, уста боғбон. Машина минган, данғиллама уй қурган киши борки, даромади даласидан, боғидан. Қатор қилган гайнализор, тоқзор, ўрикзор, узумзоридан. Есанг таъми тилини ёрадиган қулупнайидан, бўлик бугдойидан, тўлик хирмонидан.

Қайкида ўз ерига боғланган 35 фермер шунчаки деҳқон эмас, мулкдорлардир. Улар пахта ва галла етиштириш билан бир қаторда эл дастурхонига юзлаб қорамол, тонналаб гўшт-сут, 10 минглаб товуқ, тухум етказиб беришмоқда.

Қишлоқнинг "Шолдирама" маҳалласида яшовчи Эргашевлар хонадонидан бўлганимизда оиланинг тўнғич фарзанди Фазлиддин ўз ховлисидан 1,5 сотих чиқиб-чиқмайдиган жойда иссиқхона ташкил этиб, "Бўрон" навли 400 туп помидор кўчатининг ҳар-бир тутидан 5-6 килограммдан ҳосил етиштирганининг гувоҳи бўлди.

— Дастлабки ҳосилнинг ҳар бир килограммини 1500 сўмдан сотдим, — дейди Фазлиддин Эргашев. — Шу билан иссиқхона қурилишига сарфлаган маблағимнинг асосий қисмини қоплашга эришдим. Хали ҳосилнинг чўғи мўл. Бундан ташқари, 50 сотихли узумзоримиз бор. Яъни ишласак даромадимиз янада кўпаяди.

Бугун қишлоқда 47 та теплица, 51 та кўчат етиштириш-ихтирослашган иссиқхона мавжуд. Бундай кўчатларли, ҳал иқтисодиётимизнинг негизини ташкил этувчи қишлоқ хўжали-

гида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар ўз самарасини бераётганлигидан далолатдир. Алқисса, ҳалол меҳнатдан топиб, рўзгоридан ортирганлар бошқа савобли ишларга-да қўл урмоқда. Кимдир янги иш ўрни яратиш ташвиши билан қуймаланаётган бўлса, бошқа биров эл қори учун ақсотиб турган яроқсиз йўлни таъмирламоқда.

Дарвоқе, қишлоққа келишдан мақсадимиз саксондан сакраган Турғунпўлат ота Шамсиддин билан учрашиш эди. Саккиз нафар ўғил-қизни тарбиялаб воёга етказиб, элга



қўшган бу табарруқ инсоннинг шу қўтлуг ёшда ҳам тиниб-тинчимаслиги, эл қори учун ёниб қуйиши, унинг бошчилигида маҳаллада амалга оширилган савобли ишлар тўғрисида кўп эшитгандик. Аммо отахоннинг Чортоқ дам олиш сикатгоҳида эканликларини айтишди.

Турғунпўлат отанинг тўнғичи Маҳаммадхон Шамсиддиннов паррандачилик соҳасида фермер. 10 мингта товуғи бор. Улардан ҳар кун 8-9 минг донадан тухум олади. Кейинги ўғли Исроилжон олийгоҳда ўқитувчи. Тохиржон мана қарийб ўн йилдирки, нуфузли корхонада раҳбар. Боз устига табдиркорлини қўлдан қўймаган: асфалт, гишт, бетон блоклар ҳамда хўжалик совуни ишлаб чиқарадиган цехлари бор. Кенжа Шавкатжон ҳам фермер. Бу йил 40 гектар майдонга



пахта, 70 гектар майдонга бугдой қадаган. Яна денг 100 бошдан ортиқ чорва моли бор. Қизлар ҳам ўқимишли. Ик-

ободонлаштириш учун ҳам шунча маблағ кетгани аниқ. Ахир, эски қабристоннинг ташландиқ чакалакзор бўлиб ётган қисмини тозалашнинг ўзи бўладими?

— Эллик сотихли чакалакзордан кесиб олинган дов-дархатларнинг шох-шаббалари, илдизлари қишлоқдаги тўртта болалар боғчасига, мактабга ҳамда бир неча таъминланган оилаларга элиб берилди. Қабристоннинг Узун кўча тарафидаги қарийб 200 метрлик кўргони замонавий бетон девор билан ўраб чиқилди. Темир дарвоза ўрнатилди. Ичкарига ўртаси очик айвондан иборат икки хонали иморат солинди, — дейишди қишлоқ оқсоқоллари.

Эртасига Турғунпўлат отани йўқлаб Чортоқ сикатгоҳига бордик. У кишини муолажа пайтида учратдик.

— "Ташаббус сўнамасин" деган гапни Юртбошимиз тез-тез такрорлаб турадилар. Бу гапда ҳикмат кўп, — деди отахон суҳбат асносида. — Ташаббус одамларнинг турмуш тарзини юксалтиришга ёрдам берибгина қолмай, балки ҳар бир инсоннинг қалбида гурур уйғотади. Бунинг устига ташаббус ҳам масъулият. Уни кўтариб чиққан кишининг зиммасига ўша ишни охирига етказишдек оғир вазифани ҳам юклайди. Мана бир мисол: маҳалла оқсоқоллари, фаёлларимиз ҳам бўлиб, маҳаллани газлаштириш масаласини кўтарган-

дик. Амалга ошириладиган ишни мутахассисларга лойиҳалатдик. 185 миллион сўм маблағ зарур экан. Ҳар бир хонадондан 10 минг сўмдан, жами 50 миллион сўм йиғидиган бўлди. Қолган маблағни эса қишлоқдаги кўзга кўринган мулкдорлар, фермерлар берадиган бўлишди. Бироқ амалда аҳолидан бор-йўғи 15 миллион сўм йиғилди, холос. Хомийлардан эса 100 миллион сўмдан кўпроқ маблағ келиб тушди. Натижада яна 70 миллион сўм етмай қолди. Ҳамон ташаббус билан чиқдик-ми, демек уни охирига етказишимиз керак. Шундай қилдик ҳам. Кўргандирсиз, маҳалла-мизнинг ҳар бир хонадонидан "зангори олов" ёниб турибди.

Ота салмоқ билан гапирётган маҳал кўнглимиздан "Бу ишларни амалга оширишга у кишини қандай туйғу ундади экан?" деган ўй ўтди.

Саволимизга жавоб эса мана бундай бўлди:

— Савоб топиб, эзгу ном қолдириб яшасам дейман. Фарзандларимни ҳам шунга ўргатганман. Бошимни баян кўтариб, гурур билан юриш менинг ҳаёт тарзим. Шунга амал қилман. Қандай яшаш кераклигини Юртбошимиз чиройли ифодалаганлар: "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!"

Сандолм АБДУРАХМОНОВ, «Adolat» мухбири

Оилавий табдиркорлик — фаровон турмуш имконияти

«Адолат» СДП Ургут тумани кенгаши ва депутатлик гуруҳининг яқдил ҳаракати ҳудудий муаммоларни енгиллаштиришга кўмак бермоқда

Давом. Боши 1-бетда

Ургут туманининг Сўфийён маҳалласида яшовчи Орзигул Мусаева ана шу рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш туфайли оилавий табдиркорликнинг имконияту афзалликларини амалда намойиш этмоқда. У «Микрокредитбанк»нинг имтиёзли кредити эвазига бешта тикув машинаси сотиб олиб, оила аъзоларини фойдали ишга жалб этди. Бугун чеварларнинг кўз нури, қалб қури билан яратилаётган турли либослар, сўзанаю кашталар, дўппи, тўнларнинг бозори чаккон. Ҳалол меҳнат туфайли топилаётган даромаддан оила бюджети тобора мустаҳкамланиб, харид қобилияти ортиб бормоқда. Хонадон соҳиби фойда ҳисобига қорамол, мебель сотиб олгани, ҳовли-уйларини таъмирлаб, фаровон турмуш кечираётгани оилавий табдиркорликнинг натижаси, албатта.

— Орзигул Мусаева партия-миз фаоли бўлгани боис табдиркорларга ибрат бўлишни ўзининг бурчи деб билади, — дейди «Адолат» СДП Ургут тумани кенгаши раиси Раббим Эсонов. — Биз унга кредит масаласини ҳал этишда, меҳнат дафтарчаси очиб, касаначилик билан расман шуғулланишга ёрдам бердик. Энди эса унинг ўзи маҳалладошларини фойдаланиш билан шуғулланиб кўпроқ даромад топишга, қонун доирасида яратиб берилган имтиёزلардан унумли фойдаланишга даъват этмоқда.

Дарвоқе, оилавий табдиркорлик ва касаначиликни ри-



Суратларда: ургутлик оилавий табдиркорларнинг иш жараёнидан лавҳалар асэ эттирилган.

вожлантириш йўлидаги ҳуқуқий механизмларни ишга солиш, ижро ҳокимияти ва бошқарув идоралари эътиборини соҳада ечимини топмаётган муаммоларга қаратиш, энг асосийси — фуқароларни боқимандалик қайфиятидан узил-кесил халос бўлишлари ва фойдали иш билан шуғулланишлариға кўмаклашиш «Адолат» СДП туман кенгашининг ҳамда партия депутатлик гуруҳининг диққат марказидаги вазифага айланган.

— Биргина шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида туманнинг Ёўсс, Ўрамоил, Ёғждувон, Ўзунқишлоқ, Сўфийён сингари қишлоқларида оилавий табдиркорлик ва касаначилик йўналишида 350 та янги иш

ўрни яратилди, — дея суҳбатнинг давом эттирди Р.Эсонов. — Натижада истеъмол бозорини зарур маҳсулотлар билан тўлдиришга, аҳолига янги хизмат турларини тақлиф этишга муваффақ бўлдик. Энг муҳими, бизга эргашаётган ва мақсад-интилишларимизни қўллаб-қувватлаётган электро-ваккаларни ҳамкорлиқдаги янги ишларга рағбат-хоҳиш топишмоқда. Оилавий табдиркорликни йўлга қўйишда ижро назоратиға пухта амал қилаётганлигини ва турли расмийтачилик тўсиқлари бартараф этилганлигини тушуниб етмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оилавий табдиркорлик ва касаначилик аҳоли де-

путатлик гуруҳи томонидан ҳам чуқур ўрганилиб, тегишли доимий комиссияларда муҳокама қилиниб боришмоқда. Депутатлар томонидан корхона-ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботини эшитишда айни шу йўналишдаги фаолиятга кўпроқ танқидий нуқтаи назардан ёндашилмоқда. Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбарларининг бу борадаги ваколатлардан қай даражада фойдаланаётганликлари депутатларнинг қизғин муҳокамасига сабаб бўлгани фикримизнинг исботидир. Муҳокамалар натижасида оилавий табдиркорлик ва касаначилик билан шуғулланаётган ҳар битта фуқаро учун алоҳида меҳнат дафтарчаси очиб ҳамда бу борадаги маълумотларни сохталаштириб кўрсатмаслик, банк, статисти-ка ва солиқ идораларида ягона ахборот манбаини шакллантириш қатъий назоратға олинган депутатларнинг масаласи қай тарика масъулият билан ёндашаётганликларидалан далолатдир.

9-Ғйждувон сайлов округидан халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Мадина Баротованинг бевосита ташаббуси ва назорати туфайли мазкур ҳудудда 93 та янги касаначилик иш ўрни яратилди. Депутат Исом Шариповнинг Ўрамоил сайлов округидаги маҳаллаларда 63 нафар, депутат Мавлон Аҳмедовнинг Ўзунқишлоқ сайлов округида 105 нафар ва гуруҳ раҳбари, депутат Раббим Эсоновнинг 8-Ғўс сайлов округи бўйича 96 нафар фуқарога оилавий табдиркорликка оид меҳнат даф-

тарчаси очишга кўмаклашишгани ишсизлик даражасини туман микёсидан анчагина енгиллаштиришга ёрдам берди, десак янглишмаймиз.

Ёўсс қишлоғида яшовчи Муҳаммад Саломов оиласидан бирийўла 8 киши қуруқ мева тайёрлаш ва уни экспортга чиқариш билан шуғулланади. Оилавий табдиркорлар қури-тилган мевани ювиш, тозалашда ишлатиладиган зарур ускуна-ни сотиб олишгани туфайли ойига 50 тоннагача махсулотни қўлдан ўтказишга, салмоқли даромад топишга муваффақ бўлишмоқда.

Оилавий табдиркор Раббим Бозоров эса қуруқ мева тайёрлаш орқасидан оиласини тўқис боқмоқда. Каштадўз Моҳира Қамбарова, Хўлқар Заркумова, Шаҳноза Худойбердиева ипак матоларга жило бериб, халқ амалии санъатининг нозик жиҳатларини намоён эта олишаётгани боис меҳнатлари кадр топлмоқда, касаначилик оилага ахшигина даромад келтирмоқда.

Бу рўйхатни яна ва яна давом эттириш мумкин. Оилавий табдиркорларнинг туман партия ташкилоти, унинг депутатлари билан яқин маслақдошлиги, ҳамкорлиги фаровонлик қилишни топиш ва ижтимоий эҳтиёжларни тўлароқ қондириш имконини бермоқда.

Ургут тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ҳиммат Окўбаев масалаға ўз муносабатини билдириб, шундай фикр юритади:

— Самарқанд вилоятида энг кўп — салкам 400 минг нафар аҳоли истикомат қилаётган Ургут туманида янги иш ўрин-



ларини яратиш, оилавий табдиркорликни, касаначиликни кенг йўлга қўйиш орқали ҳар бир фуқаронинг бандлигини таъминлаш долзарб масала сохланади. Шу боис муаммони ҳал этиш йўлида ижро ҳокимиятиға аниқ тақлифлар киритаётган сиёсий партияларнинг, депутатлик гуруҳларининг ташаббусларини астойдил қўллаб-қувватлайман. Бир-биримизға нисбатан ўзаро соғлом, танқидий муносабат маҳалла ва гузарлардаги ишсизликка оид ҳақиқий аҳолини ўрганишга, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда меҳнат ресурсларини фаол ҳаракатға келтиришга ёрдам бермоқда.

Мулоҳаза ўрнида шунки таъкидлаш лозимки, Ургутда меҳнат бозорини ишлаб чиқариш ва хизматлар эҳтиёжи йўлида шакллантириш доимий назорат ва эътиборда тургани боис ишсизлик ихобий ечимини топлмоқда. Фақат шу йилнинг ҳисобидан корхоналарни модернизациялаш, қурилиш-

пудрат ишлари ҳажмини кенгайтириш, маиший-сервис хизмати соҳаларини ривожлантириш ва бошқа аниқ, таъсирчан чоралар туфайли 4994 мингта даромадли янги иш ўрни яратилди. Оилавий табдиркорлик ва касаначилик эса чекка қишлоқларда яшовчиларнинг меҳнат бозорига дадил кириб келишлариға ёрдам бермоқда. Ёки шу йилнинг ўтган даврида улар сони яна мингтаға кўпайди. Оилавий табдиркорларға ўз махсулотларини бозорда сотишга жой ҳозирлаб беришга, улар ўрта-сида турли қўрик-ярмақалар ўтказишга ҳам зарурий вазифа сифатида ёндашилмоқда. Мақсад — Мустаҳкам оила йилида ҳар битта оиланинг жамиятда ўз ўрнини топиши, меҳнат-у изланишлари ижтимоий адолат меъёрлариға мос равишда қадрланишиға эришишдан иборат.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Adolat» мухбири

Нигоҳ



Ғалла ҳам, ғаллакор ҳам маҳтал бўлмайди

Мамлакатимизда банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритишини таъминлаш мақсадида изчил амалга оширилаётган ислохотлар тижорат банкларининг капиталлашув даражаси ошишида иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш ва одамларнинг турмуш фаровонлиги ҳамда ҳаёт тарзини юксалтиришда муҳим ўрин тутмоқда. «Агробанк» ОАТБнинг Наманган вилоят бошқармаси жамоаси фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.

Аввало, таъкидлаш жоизки, мазкур банк сармояларининг асосий қисми юртимиз иқтисодиёти салоҳияти ошиши йўлида, асосан, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўтариш, хусусан, бу йилда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва субъектларнинг инвестициявий лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириляпти.

Барчамизга маълумки айни чоғларда ғалла ўрими-йиғими мавсуми қизгин паллада. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 2 майдаги «2012 йилги бошқоқ-ли экинлар ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг вилоят бошқармаси ва филиалларида ишчи гуруҳлари тузилди. Сабаби ғалла ҳосилини етиштиришда уруғ-

ни қадашдан бошлаб уни нес-нобуд қилмасдан ўриб йиғиб олишга агробанк ходимлари фермер хўжаликлари раҳбарлари билан ёнма-ён туриб меҳнат қилишмоқда. Агробанк мана шундай сермашаққат кезларда фермер хўжаликларининг, шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг молиявий мададкори сифатида кўмак бериб боради.

«Агробанк» филиаллари томонидан ғалла ўрими-йиғими мавсумида механизаторлар иш ҳақлари учун талаб этилаётган маблағлар ажратилиб бериб ўрими-йиғими мавсумини ушқоқлик билан қисқа кунларда тугатиш чоралари кўрилди. Ҳисоб-китобларда иштирок этувчи қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа ташкилотларга улашган маблағларни қисқа

муддатларда ва ўрнатилган тартибда ўзлаштирилиши устидан доимий мониторинг олиб борилмоқда.

Агробанк филиаллари томонидан «Ўзагромушсервис» уюшмаси МТПлари, муқобил МТПлар, «Агротехсервис» МЧЖ ҳамда фермер хўжаликларининг мавжуд комбайнлари томонидан кўрсатилган хизмат ҳақларини ўз вақтида ва тўлиқ тўла-нишини таъминлаш мақсадида ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олишда иштирок этган комбайнлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш ўрнатилган тартибда амалга оширилмоқда.

Қисқача айтганда, «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкининг Наманган вилоят бошқармаси тизим-да барқарор ва ишончли фаолият юритиб, ўзининг капиталлашув даражасини таъминлаш мақсадида ушбу маблағларни тўра мустаҳкамламоқда. Хусусан, мамлакат иқтисоди-тининг асосий соҳаларидан бўлган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўтариш ва тармоқ ишчи-хизматчилари турмуш даражасини фаровонлаштириш учун катта жонбозлик кўрсатмоқда. Юқорида келтирилган рақамлар кўзгусидан қарайдиган бўлса, банк жамоасининг шу кунлардаги меҳнат шiori — ғалла ҳам, ғаллакор ҳам маҳтал бўлмайди.

Абдуғани СОДИҚОВ

Реклама ўрнида

«Ипотека-банк» — мижозларга мададкор, камарбаста

ИПОТЕКА BANK

Аҳолининг банк тизимига ишончини ошириш тижорат банклари фаолияти самарадорлигининг муҳим омилларидан биридир. Мижозлар меҳрини қозониш учун эса, аввало, молия муассасаси иқтисодий жиҳатдан барқарор, инвестициявий фаол бўлмоғи керак. Ана шу тамойиллар «Ипотека-банк» Юнусобод филиалининг бош мезонига айлангани туфайли мижозлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Банкнинг Юнусобод филиали эришаётган натижалар бунга яққол мисол бўла олади.



Дарҳақиқат, мазкур филиал жамоаси иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш, оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бермоқда. 2012 йил 1 июнь ҳолатига кўра, кредит қўйилмалари ҳажми қарийб 23 млрд. сўмга етиб, йил бошидагига нисбатан 2,5 млрд. сўмга ёки 11 фоизга ошгани бунинг исботидир. Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тижорат банклари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, «Ипотека-банк»нинг Юнусобод филиали ҳам мижозларга камарбаста бўлишга интилаётди. Жумладан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит миқдори қарийб 8,3 млрд. сўмни ташкил этди. Жойларда янги иш ўринлари яратилаётгани эса

амалий саъй-ҳаракатлар самарасидир.

«Ипотека-банк» Юнусобод филиали томонидан ноэтиқоват истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳасида ҳам йирик мижозларга намунали банк хизмати кўрсатилмоқда. Масалан, қарийб 5 йилдан бери «Ҳамкорлик қилиб келинаётган» Мега импорт плюс» масъулияти чекланган жамиятига туноука ва туноука маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида қарийб 3 млрд. сўм миқдорида инвестицион кредит ажратилди. Натижада жамиятда 15 та янги иш ўрни яратилди.

Ҳозирги кунда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ички бозорни маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдирish муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилнинг айни давригача Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1047-сонли қарорига асосан озиқ-овқат то-

варлари ишлаб чиқариш учун 1,2 млрд. сўм кредит маблағи ажратилганлиги фикримиз далилидир.

Маълумки, ёш оилаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, мустақил ҳаёт йўлида уларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, уй-жой ва машина шарт-шароитларини яхшилашда яқин мададкор бўлиш ислохотлар жараёнидаги долзарб масалалардан бири саналади. Йил бошидан буён филиал томонидан ёш оилаларга ажратилган ипотека кредитлари миқдори 63,8 млн. сўмни ташкил этди.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, жорий йил давомида 33 та ёш оилаларга тўй маросимларини ўтказиш, мебель жиҳозларини ва ўзимизда ишлаб чиқарилган уй-рўзғор маиший техникаларини харид қилишга 348 млн. сўмлик истеъмол кредитлари, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 79,7 млн. сўм йўналтирилди. Тадбиркор аёлларга ажратилган кредитлар миқдори 681 млн. сўмни ташкил этади. Инвестицион кредитлар ҳажми 4,3 млрд. сўм, бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида йўналтирилган кредитлар миқдори эса 30 млн. сўмдан зиёд-дир.

Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга бел боғлаган ёшлар филиал жамоасининг эътиборидан четда эмас. Жумладан, айни пайт-гача касб-хунар коллежи битирувчилари учун 35 млн. сўм кредит ажратилган бўлиб, йил якунигача ушбу миқдор-ни бир неча баробарга ошириш кўзда тутиляпти.

Юнусобод туманида аҳоли яшайдиган кўп қаватли уйларнинг том ва ертўла қисмларини таъмирлаш мақсадида 5 та хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатига 25 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Лекин бу чегара эмас.

Бир сўз билан айтганда, мижозларга хизмат сифати ва маданиятини янада ошириш «Ипотека-банк» Юнусобод филиали жамоасининг эзгу мақсади бўлиб қолавер-ди.

Банк матбуот хизмати

Солиқ ва ҳаёт

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 мартдаги «Чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қарори ижроси Шайхонтоҳур ДСИсининг «Назорат тартибда ва қисқа муддатли текширишларни ташкил қилиш» шўбаси томонидан мувофақиятли олиб борилмоқда.

Нозик, аммо масъулият талаб иш —

алкоголли маҳсулотлар савдоси қатъий назоратда

Қарорга кўра Тошкент шаҳар ҳокимлигида ишчи гуруҳ тузилиб, алкоголли маҳсулотларни чакана сотувчи объектлар жойлашувини хатловдан ўтказиш, уларни янги жойларга жойлаштириш каби ишлар юзасидан тақлифлар тайёрлаш топшириқлари бекам-кўст бажарилди. Ҳар бир савдо объектини қайта жойлаштиришнинг аниқ муддатлари белгиланиб, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги тўла таъминланди ва оптималлаштириш чора-тадбирлари жадал олиб борилди.

Жумладан, таълим, спорт ва диний муассасалардан 500 метрдан кам радиусда жойлашган савдо объектларида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализацияси тақиқлаб қўйилди. Талабга жавоб бермайдиган чакана сотувчи савдо объектлари янги жойга жойлаштирилганга қадар илгари берилган рухсат гувоҳномаларига мувофиқ алкогольни, шунингдек, тамаки маҳсулотлари билан чакана савдонини амалга ошириш ҳуқуқига эгаллиги, берилган муддат тугагунча йиғим тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолингани каби қонуний жараёнлар кенг тушунтириб берилди. Бу борада махсус эслатмалар тарқатилиб, алоҳида семинар йиғилишлар ўтказилди.

Зеро, биласиз, алкоголли маҳсулотлар савдоси — анча нозик иш. Бу борада белгиланган тартибдан чеккиниш жамиятга катта моддий-маънавий зарар етказиши мумкин. Шунинг учун ҳамки ушбу фаолият турига мамлакат миқёсида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мухими, ана шу эътибор ва имкониятлардан қонуний фойдаланиш лозим.

Шокирбек ИСОҚОВ,
Шайхонтоҳур туман ДСИ солиқ текширувлари бўлим бошлиғи

Эскича ёндашув

изчил ислохотлар жараёнига салбий таъсир кўрсатади

Ўз-ўзини танқид

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Самарқанд вилояти Кенгаши ҳамда унинг жойлардаги ташкилотлари ҳам мамлакатимизда мавжуд имконият ва шароитлардан оқилона фойдаланиб, Ватанимиз тарққоқ-ли, ҳалқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда. Бу вилоят ва туманлар миқёсида ўтказилаётган турли тадбирларда, маҳалла фуқаролари билан юзма-юз учрашувларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. «Адолат» СДП олға сураётган гояларни қўллаб-қувватлаётганлар, унинг сафига қўшилаётганлар сони кун сайин ошаётгани эса вилоятда партия нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда вилоятда партиянинг 12 минг 480 нафардан ортиқ аъзолари 365 та бошланғич партия ташкилотига биришган. Халқ депутатлари вилоят Кенгашида 7 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 40 нафар депутатлар халқ хўжалигининг турли

соҳаларида фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар бир шаҳар, туман кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари аниқ иш режасига эга. Шунинг учун ҳам амалга оширилаётган ишлар, ўтказилаётган тадбирлар қўлла-ни ва таъсирчанлиги ошмоқ-

да. Бу эса партия гоялари омалашишида, шунингдек, партиянинг фуқаролар билан алоқаси мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Партиямиз вилоят Кенгаши ҳудудда фаолият кўрсатаётган бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб, аҳоли томонидан билдирилаётган таклиф ва муножаатлардан ҳам келиб чиққан ҳолда фаолият олиб борилмоқда. Жумладан, «Баркамол авлод», «Хайри ният», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти», «Ногирон аёл», «Сабр», «Истиқболли авлод» каби ННТ билан ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилган.

Вилоят Кенгашининг ташаббуси билан «Адолат» СДП мақсад ва гояларини халқ орасида кенг тарғиб қилиш, аъзолар сонини кенгайтириш, партия обрўсини ошириш мақсадида туман ва шаҳар кенгашларида жорий йилнинг 15 январидан 15 февралга қадар «Вилоятдаги корхона ва ташкилотларда бошланғич партия ташкилотларини очиш ойлиги» муваф-

фақиятли ўтказилди. Натижада 128 та бошланғич партия ташкилотлари очилиб, партия сафига 1898 нафар янги аъзолар қабул қилинди. Ойлик давомида ҳар бир туман (шаҳар) ҳудудидagi корхона ва муассасаларнинг камида 15 тасида бошланғич партия ташкилотларини очиш мўлжалланди, партия дастуридан келиб чиққан ҳолда мазкур ойлик доирасида янги очилган БПТлардаги корхона ва ташкилотда ишчи-ҳодимларга яратилган шарт-шароитлар билан танишиб бориш, аниқланган муаммоларни корхона маъмурияти билан келишилган ҳолда бартараф этиш чоралари БПТларга вазифа қилиб белгилаб берилди.

Партиянинг вилоят Кенгаши ҳодимлари жойларга чиқиб, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига амалий ёрдам бериб келмоқда. БПТ аъзолари, партия туман ва шаҳар кенгашлари раисларининг масъулиятини ошириш буйича ҳар ойда бир марта партия фаоллари, аъзолари, маҳаллий Кенгашлари депутатлари ҳамда

партия туман ва шаҳар кенгашлари раислари иштирокида сиёсий ўқув ўтказиш йўлга қўйилди ва натижада туман ҳамда шаҳар кенгашлари фаолиятида ижобий натижалар кузатилди.

Тўғри, вилоят партия Кенгашининг ҳудудий ташкилотлари томонидан эътирофга арзигулик ишлар қилинапти. Бироқ баъзи туман партия ташкилотлари фаолиятидаги учраётган айрим камчиликлар эса вилоят партия Кенгашининг ижобий ишлари кенгайишига салбий таъсир қилмоқда. Бундай ҳудудий партия ташкилотлари иши вилоят партия Кенгашининг йиғилишларида танқидий таҳлил қилиб борилмоқда.

Хусусан, Булунғур, Қўшработ, Пахтачи туманлари партия ташкилотларида партия кадрлари ва фаолларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга етарлича эътибор қаратилмайти, партия мафкураси ва сайловолди дастурини аҳоли ўртасида ёритишда ҳамон эскича усуллардан фойдаланилмоқда. Партия ташкилотлари фаолиятида

ҳали-ҳануз ислохотлар талабига мос ишчанлик, изланувчанлик ва ташаббускорлик етишмаяпти. Масалан, таҳлилларга кўра Қўшработ тумани партия ташкилотиди 2011 йил давомида ва 2012 йилнинг биринчи чорағида талаб даражасида ишлар олиб борилмади. Бу эса биринчи галда туман кенгашлари бошланғич ташкилотлари ишини жонлантиришга эътибор бермаганлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, юқорида номлари келтирилган туман партия ташкилотларида маҳаллий Кенгаш депутатлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилмаган. Натижада амалдаги қонунлар, фармон ва қарорлар, ҳудудларни ривожлантириш буйича махсус дастурларнинг партия сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда партия электорати манфаатлари нуктаи назаридан ижро этилишини таъминлаш бир қадар суст кечмоқда.

Айтиш керакки, вилоят партия Кенгаши мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида жорий йилнинг ик-

кинчи чорағи иш режасига асосан туман ташкилоти раислари билан ишлаш, тумандаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни маҳаллий депутатлар иштирокида ўрганиш, туманларнинг ҳисоботларини тинглаш буйича алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Шунингдек, партия кадрларини қайта тайёрлаш ҳам иш режасидан алоҳида ўрин олди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросида янада фаол иштирок этиш мақсадида ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш белгиланди. Бундай ҳамкорлик барча бўғиндаги ижро этувчи ташкилмаларнинг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этишда партиялар, партия депутатлик гуруҳларининг таъсирини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Самарқанд вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Ижро интизоми:

оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳам бундан мустасно эмас

Қўмита йиғилиши

Мамлакатимизда жамият кўзгуси саналган ОАВ фаолиятини ривожлантириш, уларнинг янада эркин фаолият олиб боришлари учун шарт-шароитлар яратиш ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, 2011 йилнинг 30 декабридаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарор оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун янги истикболларни яратиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида шу ҳақда батафсил сўз юритилди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ҳамда «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонунларининг Тошкент ва Қашқадарё вилоятларидаги ижросини ўрганиш бўйича ўтказилган назорат-таҳлил натижалари муҳокама этилди.

Назорат-таҳлил тадбирини ўтказиш давомида мазкур қўмита аъзолари томонидан жойлардаги ОАВни янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базаси, кадрлар салоҳиятини мустахкамлаш, нодавлат босма нашрлар ва телерадиоканаллар фаолиятини янада кенгайтириш орқали миллий ахборот маконида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш юзасидан амалга оширилган ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу вилоятларда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари жамиятимизда юз бераётган янгиликлар, ислохотлар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш баробарида, уларни янги мазмун билан бойитиш ва янада чуқурлаштириш ҳам муносиб улуш бўлиб келинмоқда. Бу борада соҳа ходимларига барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани эътиборлидир.

Тошкент ва Қашқадарё вилояти аҳолисини чакана савдо ва обуна орқали вақтли матбуот нашрлари билан таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖда вилоят филиаллари томонидан даврий нашрларга обуналар қабул қилиш, буюртмаларни расмийлаштириш ва ишлов бериш йўлга қўйилган. «Матбуот тарқатувчи» АК веб-сайти орқали обуначиларга интерактив хизматлар кўрсатишмоқда, мижозларга масофадан туриб компания томонидан тарқатилаётган даврий нашрларнинг барча турлари билан танишиш ва обуна бўлиш имконияти яратилган.

— Айни пайтда медиа соҳага тааллуқли айрим қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашда муайян камчиликлар



ҳам борлиги кўзга ташланди, — деди Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Ш.Дехқонов. — Хусусан, муассислар билан тахририятлар ўртасида тузилган шартномалардаги мажбуриятлар тўла бажарилмаётгани, оммавий ахборот воситалари чиқарилишига доир маълумотларнинг тўлиқ кўрсатилмаслиги, газета ва журналнинг чоп этиш, кўрсатув ва эшиттиришларини тайёрлаш, эфирга узатишда белгиланган талабларга риоя этилмаётгани, босма ОАВни обуначиларга ва чакана савдога чиқаришда почта қондаларининг бузилиши ҳоллари шулар жумласидандир.

Йиғилишда Тошкент ва Қашқадарё вилояти ҳокимликлари мутасаддиларининг ўз ҳудудларида Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ҳамда «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонунларининг ижро этилиши, бу борада йўл қўйилган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида ахбороти тингланди.

Шунингдек, тадбирда ОАВ ходимларининг малакасини ошириш, журналист ўзининг профессионал билим ва савиясини, тажриба ва маҳоратини ошириш учун ўз устидан тинимсиз ишлаши, фаолиятини замонавий журналистика қоидалари асосида ташкил этиши, тахририятларга малакали журналист кадрларни кенг жалб қилиш, энг тезкор ва таъсирчан ахборот воситаси бўлиши Интернет журналистикани ривожлантириш, тахририят фаолиятига замонавий медиа-технологияларини фаол жорий этиш борасида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Масала юзасидан иштирокчиларнинг саволларига ҳам маърузачилар томонидан жавоб қайтарилди.

Йиғилиш сўнггида муҳокама этилган масалалар бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди ва Қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Илҳос САХАТОВ,
«Adolat» мухбири

Меҳнат ярмаркаси

Мустақилликнинг дастлабки йилларида-ноқ таълим соҳасига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралди. Бу борадаги ислохотларнинг амалга оширилишида «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳуқуқий асос бўлиб келаётир.



Эртанги кунга қадам бугундан бошланади

Жорий этилган узлуксиз таълимнинг самараси ўлароқ, ўғил-қизларнинг катта ҳаёт оstonасига битирувчи сифатидагина эмас, балки бирор касб эгаси, яъни муайян йўналишлар бўйича ҳам назарий, ҳам амалий қўшимча ва малакага эга шахс сифатида қадам қўйишлари учун шарт-шароитлар яратилган. Шундай замонавий қўлайликлар ва жиҳозларга эга мустақим касб-хунар коллежлари ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашда кенг имкониятларга эга.

Коллежни битираётган ўқувчилар зарур қўшимча ва билимларни ўзлаштириб, ўз иқтидорларини ҳамда ўзлаштирилган хунарларини амалиётда қўллаш учун иш жойларига жалб қилиниб, бириктирилмоқда. Бунда коллеж ўқувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида қатор корхона, ташкилот, фермер хўжаликлари иш ўринларини тақдир қилишмоқда, Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази коллеж битирувчиларини иш ўринлари билан таъминлинишида ёрдам бериб келмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти ҳамда Оққўрғон тумани Кенгаши ва Оққўрғон тумани ижтимоий-иқтисодий ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ташаббуси билан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда корхона ва ташкилот, фермер хўжаликлари ва бошқалар иш ўринлари билан қатнашдилар. Ушбу «КОРХОНА — КОЛЛЕЖ» ярмаркаси ёшларнинг бўлгуси иш жойларини белгилашга хизмат қилиб, коллеж битирувчилари ўзлари учун меҳнат ва дам олиш шартлоғлари, иш ҳақлари, қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги рекламаларни кўргазмалари ва бошқа зарур маълумотлар билан танишишди.

— 2009 йил ташкил этилган Оққўрғон тумани ижтимоий-иқтисодий ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидан 226 нафар илк қалдирғочи ушбу маскани битирди. Улар 108 та корхона билан уч томонлама шартнома имзолаб, иш ўрин-

ларига жойлашиш жараёнида турибди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти ва Оққўрғон тумани Кенгаши битирувчиларни ишга жойлаштириш борасида кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Жумладан, коллежларда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда семинар, йиғилиш ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

Ярмаркада коллеж битирувчиларига ишга жойлашиш учун йўлланмалар бериладиган меҳнат қонунчилиги бўйича ўзларини қилиштирган саволларига атоқлича жавоблар олишди.

Тадбир сўнггида Оққўрғон тумани ижтимоий-иқтисодий ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи битирувчиларига дипломлар топширилди. Бир гуруҳ Ўзбекистон «Адолат» СДП янги аъзоларга партия билетлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Феруз ЖҲҲАЕВ,
«Adolat» мухбири

Мулоҳаза

Халқ нақодор доно. Айниқса, элимизнинг мулоҳазалари ва донишмандлик қаймоғи акс этган ҳикматли гапларига эътибор қаратсангиз, уларнинг аксариятида илм улўлганганининг шохиди бўласиз: «Бешиқдан қабрга»ча илм изла», «Билгани зўр бирни чинор, билими зўр минг», «Куч — билимда», «Илмни Ўй-Мочинга бориб бўлса ҳам ўрган», «Ўқиган ўзади, ўқимаган тўзади»...

Улуғ мураббий Абдулла Авлонийнинг қуйидаги ҳикмати эслойл: «Илм дунёнинг иззоти... Илм инсон учун гоёат олий ва муқаддас бир фазилатдир. Зероки, илм бизга ўз ахлоқимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур».

Бундан саккиз аср бурун яратилган Аҳмад Юғнакийнинг «Хибатул-хаккойк» асарининг биринчи бўлими «Илм манфаати, жаҳолатнинг зарари ҳақида» деб номланиши бежиз эмас. Асарда замонлар ўтса ҳам асло эскирмайдиган, аксинча, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтадиган, қазига ўхшаб таъм-мазаси яхшилиниб борадиган ҳикматлар бисёр. Дейлик:

Билик билии бўли

эран белеулик,

Биликсиз тирикча

йитук кўрғулук.

Яъни илмни кишиларнинг (номи) машҳур бўлди, билимсиз (кишилар) эса тириклайин ўлди ҳисоб ва бу унга кўргилди.

XI асрда Кайковус яратган «Қобуснома»да ҳам илмнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган: «Олим беамал бўлмағай. Илмни яхши ўргангил. Билгон илмингни яхши иборалар билан баён қилғил, то беамани даъво билан жиҳолатманд бўлмағайсан. Ваъз ва пандни хавф ва рихо билан айтғил».

Халқимиз азалдан илмга ўч. Юртимиз — олим фузалорлар юрти. Азалдан элимизда илм ахли алоҳида ҳурмат-эътиборга, иззатга сазовор бўлиб келган. Бу жараён бугунги кунимизда ҳам янгича кўриниш ва мазмунда давом этаётди. Ёш-ёш, навниҳол ўғил-қизларимиз ўз салоҳиятлари, илмлари билан дунёга чиқмоқдалар. Улар ҳақида ҳар қанча яхши гапларни айтсак, фарзандларимизга ибрат қилиб кўрсатсақ арзийди.

Маълумки, илмдаги ҳар қандай янгилик инсон манфаатларига хизмат қилмоғи жоиз. Янги техника ютуқлари эса инсоннинг яшаш шартлоғини оsonлаштиришга, қўлайлаштиришга қаратилган. Фан-техника эса мисли қўрилмаган даражада шиддат билан олдинга интилмоқда.

Айрим тадқиқотчилар, бани башарнинг кейинги икки минг йиллик тараққиётини ўрганиб чиқарканлар, энг асосий фан-техника ютуқлари айнаун сўнгги юз йилликка тўғри келганлигини алоҳида таъкидлайдилар. Албатта, гап телевидение, инсоннинг осмонни забот этиши, компьютер техникаси, нанотехнология вужудга келиши ҳақида бормоқда.

Тараққиёт ҳеч қачон бир жойда туриб қолмайди. У доим олдинга интилади-интилади. Биз ўсиб келаётган ёш авлодининг, айниқса, энг катта бойликларимиздан бири бўлган вақтнинг қадрига етишларини, ундан унумли фойдаланишларини истардик.

Балки эътибор бергандир-сиз, кейинги пайтларда кўпчилик «Вақт тезроқ ўтаётгандай» деб қолади. Бунини шунчаки нолиш сифатида қабул қилмаслик керак экан. Олимларнинг аниқлашларига қараганда, кейинги бир аср ичида она заманимиз ўз ўқи атрофида янада тезроқ айлана босаётган. Гўё замон ҳам инсонларни кўпроқ меҳнат қилишга, ижодга, бунёдкорлик ишларига ишдаётгандай. Зеро, яратувчанлик, ижод бўлоғи ҳеч қачон қурмайди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида оммавий ахборот воситаларида чоп этилган қатор мақолаларда турмушимизга шиддат билан кириб келаётган фан-техника янгиликларидан хайратга тушган олимлар ўта жиддий тарзда XXI асрнинг бошларига келиб инсоният зиммасидаги жуда кўп юмушлар тўла-тўқис техника воситалари қўлига ўтиши ҳақида башорат қилишган. Натижада одамларда бўш вақт шу қадар кўпайиб кетдики, меҳнат таътиллари энг камида олти ой давом этадиган бўлади! Шундан кейин одамларнинг кўпдан-кўп бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун махсус

Олимлар башоратига зид:

янги асрга келиб одамлар камроқ ухлаб, кўпроқ меҳнат қилишмоқда

маслаҳатчилар, йўриқчилар пайдо бўлади ва ҳоказо. Биз бугун олимлар фаровон ҳаёт ваъда қилган айнан XXI аср бошида яшаб турибмиз. Одамлар эса ҳали-ҳамон вақт етишмаслигидан орзудалар. Олимлар башоратига зид равишда, янги асрга келиб одамлар камроқ ухлаб, кўпроқ меҳнат қилишмоқда. Бу илмий жиҳатдан исботланган факт. Британия университетли профессор Р.Уайзмен тадқиқотларига қараганда, сўнгги ўн йил ичида одамларнинг юриш тезлиги ўрта ҳисобда 10 фоизга ошган.

Мутахассислар эса доимий вақт етишмаслиги оқибатида инсоният кейинги юз йил ичида ўрта ҳисобда уч соат кам ухлашга ўтганлигини аниқлашган.



Ҳа, тараққиёт, янгиликларлар ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. У қаттиқ меҳнат, энг асосийси, чуқур билим талаб қилади.

Бугун фарзандларимиз замонавий мактаб, коллеж, лицейлар, олий ўқув юртиларда чуқур билим олишмоқда. Гапнинг рости, ўғил-қизларимиз таълим-тарбия олаётган шарт-шароитларни кўриб одамнинг ҳаваси келади. Бундай эътибор ва ғамхўрлик, шубҳасиз, ёш авлодининг қомил инсонлар бўлиб етишувига, улар орасидан Ватанимиз номини дунёга таратадиган кўплаб Даҳлар чиқишига ишончли замин яратди.

Бугунги кунда ҳатто энг олис қишлоқда таълим олаётган мактаб, лицей ёки коллеж ўқувчиси ҳам бемалол интернетга қира олиш имкониятига эга бўлди. Бу, шубҳасиз, жуда

катта ютуқ. Бироқ бир нарса одамни ўйлантиради. Кейинги йилларга келиб, айниқса, шаҳарларимизда турли компьютер ўйинлари марказлари, Интернет-кафедрлар ёмғирдан кейинги кўзқоринлардай бодраб чиқаяпти. Деярли ҳар қадамда кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватига жойлаш олган, алоҳида бинога эга Интернет-кафедрлар дуч келамиз. Албатта, буларнинг бўлгани яхши. Аммо бу Интернет-кафедрлар деярли ҳамиша ёш болалар билан тўла эканлигини ва уларнинг аксарияти турли компьютер ўйинларига бошлари билан шўнғиб кетганлигига эътибор берганмисиз? Яна қанақа ўйинлар деб? Экранига бир муддат қараб турсангиз, этингиз увишиб кета-

йлаб, компьютерни бир амаллаб ютиш ташвиши билан банд. Улар компьютер ёнидан сўткалаб кетмайдиган ихтиёрли телбалардир.

Талаб бор экан таклиф ҳам оша боради. Биргина мисол: маълумотларга қараганда, Disney компанияси бир йилда янги компьютер ўйинларини яратиш учун 180 миллион доллар сарфламоқда. MTV Network Viacom видео ўйинлар учун икки йилда ярим миллиард доллар сарфлашини маълум қилган. Голливуднинг ишбилармон тадбиркорлари эса кўп сонли геймерлар эътиборини ўз махсуслотларига жалб қилиш учун ўн миллионлаб ашаддий ишқибозларга эга ўйинлар асосида бадийий фильмлар ишлаб чиқармоқдалар. Балки шу-



ди: арвоқлар, босқинчилар, дарё-дарё оқаётган қон; зўрлик-зўравонлик; ярим-яланғоч қаҳрамон қизлар...

Шубҳасиз, компьютер техникасининг бугунги кундаги мислсиз аҳамиятини тўла-тўқис эътироф этамиз. Умуман ҳаётимизни ҳам компьютерсиз тасаввур этиб бўлмай қолди. Айни пайтда инсон даҳоси яратган бу мўъжиза фақат эзгуликка, яхшиликка хизмат қилиши лозим деб ўйлаймиз.

IDC таҳлил компанияси тарқатган хабарларга қараганда, геймерлар, яъни компьютер ўйинларининг ашаддий ишқибозлари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда ер юзиде энг камида 300 миллион киши мунтазам равишда компьютер ўйинларини ўйнайди. Яна 15 миллион ўта ашаддий геймер эса тун-кун фақат ўйин стратегиясини

ўйлаб, компьютерни бир амаллаб ютиш ташвиши билан банд. Улар компьютер ёнидан сўткалаб кетмайдиган ихтиёрли телбалардир.

Талаб бор экан таклиф ҳам оша боради. Биргина мисол: маълумотларга қараганда, Disney компанияси бир йилда янги компьютер ўйинларини яратиш учун 180 миллион доллар сарфламоқда. MTV Network Viacom видео ўйинлар учун икки йилда ярим миллиард доллар сарфлашини маълум қилган. Голливуднинг ишбилармон тадбиркорлари эса кўп сонли геймерлар эътиборини ўз махсуслотларига жалб қилиш учун ўн миллионлаб ашаддий ишқибозларга эга ўйинлар асосида бадийий фильмлар ишлаб чиқармоқдалар. Балки шу-



лар сабабидир, кейинги йилларда дунё бўйича йилга компьютер ўйинлари бозори 15-19 фоизга ошгани ҳолда, ким бозоридида ўсиш бор-йўғи 4 фоизни ташкил этмоқда. Энди бир неча оғиз сўз жумла жаҳонни ўргимчак тўридек ўраб олган Интернет тизими ҳақида. Европа Комиссияси маърузасида таъкидланишича, бугунги кунда 250 миллион европалик Интернетдан мунтазам равишда фойдаланувчи мижозларга айланган. Айниқса, Нидерландия, Дания, Финляндия каби мамлакатларда энг кўп «Интернет жиннилари» истиқомат қилишади. Лекин айни пайтда ўзларидан бундай имконият бўла туриб, Европа мамлакатлари аҳолисининг 40 фоиздан ошгани ҳали бирон марта Интернет тармоғи хизматидан фойдаланмаган. Хусусан, Руминия, Болга-

рия ва Грециянинг 60 фоизга яқин аҳолиси Интернетдан умуман фойдаланмасликларини билдиришган. Афсуски, бу хизматдан воз кечганларнинг асосий қисмини катта ёшдагилар ва нафақадагилар ташкил этади. Ёшлар ва ўсимлар учун эса Интернет замонавий турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

Шубҳасиз, Интернетни истаганча танқид қилиш мумкин. Аммо Интернет болаларнинг беамани ўйинлари учун эмас, интеллектуал меҳнат учун яратилганлигини унутмайлик. Оқил одам эса бу имкониятдан унумли фойдаланиш қолади. Ҳатто у мактаб ўқувчиси бўлган тақдирда ҳам...

Илмнинг нафакат инсон ва жамият ҳаётида, балки Ватан шон-шухратини оширишда ҳам қанчалар катта аҳамиятга эга бўлиши ҳақида яна бир мисол келтириб ўтаск.

Математика — аниқ фан. Гўё бу фанда ҳаммаси аниқ ва равшандай. Аммо фанларнинг отаси ҳисобланган математика билимдонлари, оқил олимлар, докторлар академиклар неча-неча асрлардан бери Пуанкаре гипотезасини исботлай олмай келишадими. Ниҳоят дунё математиклари бу бошқотирмани ечган олимга бир миллион доллар мукофот ваъда қилишди. Лекин барибир «Гипотезани исботладим» деган мард топилавермади. Ҳолбуки, қанчадан-қанча «мана-ман» деган олимлар бу жумбоқ устида бош қотиришадилар. Бундан қарангки, Санкт-Петербург шаҳрида яшайдиган, институтда катта илмий ходим бўлиб ишлаётган 41 ёшли Григорий Перельман гипотезани тўла-тўқис исботлади. Дунё олимлари хайратда! Лекин Григорий Перельман ўзига берила-диган бир миллион долларлик мукофотдан воз кечди. Ҳолбуки Перельман деганларни шаҳар чеккасидаги торгина икки хонали уйда онаси билан факирона, маошга яшар экан. Балки Перельман асрлардан бери жумбоқ бўлиб келаётган гипотезани исботлаб, кашф-ёғта эришган маҳали ҳис қилган шодлигини, бахтини миллион доллардан қиммат деб ҳисоблагандир. Ким билади

дейсиз. Аммо олимнинг меҳнати барибир ўз муқофотини топди. Британияда бугунги кунимизда ер юзиде ҳаёт кечираётган даҳо инсонлар рўйхати эълон қилинди. Перельман бу рўйхатнинг 9-қаторида турибди. Тирик даҳолар рўйхатининг тўққизинчи қаторида! Қаранг, оддий бир математик ҳам ўз номини, ҳам Ватанини яна бир бор дунёга танитди. Шу эмасми илмнинг кучи? Шу эмасми истеъдоднинг кучи? Ахир ҳамюртимиз Рус-там Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлганида қанчалар қувонганмиз, қанчалар гурурланганмиз.

Турмуш тарзимизда «Мақсад улўлғили» деган тушунча бор. Яъни мақсад қанчалик юксак бўлса, инсоннинг парвози ҳам шунча баланд бўлади. Мен бу жумлага «Инсонийлик мезони» деган тушунчани ҳам қўшган бўлардим. Зеро, ҳамма ҳолларда ҳам мақсад воситани оқлайвермайди. Бошқача тарзда айтадиган бўлсак, илм-фан ютуқларини эгаллашга уриниш, энг аввало, инсоният манфаатига, унинг тараққиётига таъсир қилиши керак.

Юқорида айтилган мулоҳазалардан чиқадики мухтасар ҳулоса нимадан иборат? Азиз ёшлар. Аввало, ўтаётган вақт қадрига етиш. Кейин бу вақтнинг бир леззасини ҳам орқага қайтариб бўлмайди. Иккинчидан, инсон ўзини юксак гоёларга чоғлаши керак. Мақсадлар ҳам шунга яраша юксак бўлмоғи жоиз. Яъни маҳалла доирасида қилиб кетишни эмас, ўзингизнинг илмингиз ва салоҳиятингиз билан дунёга чиқишни режалаштиринг, бу мақсадга етиш учун астойдил урининг. Токи маҳаллангиз, қишлоғингиз, шаҳарингиз, қолаверса, она юртингиз сиз билан фахрлансин. Шундай фарзанд етишиб чиққанидан гурурлансин. Бу эса сизнинг ўзингизни тарбиялаган, туз-нон берган шу муқаддас заминга, шу буюк халққа нисбатан кўрсатган эҳтирмингиз, уларнинг ишончини оқлаганингиз бўлади.

Абдуҳамид МУХТОРОВ

Сўнгги саҳифа

Зулфияхоним издошлари

Тадбир

Бугун жамиятимиздаги қай бир соҳага қараманг, аёлларнинг ўрни ортиб бораётганлигининг гувоҳи бўласиз. Хотин-қизларнинг фаоллигини кўриб, уларга бўлган ишончингиз янада ортади. Бу, албатта, истиқлол йилларида мамлакатимизда аёлларга бўлган юксак эътибор натижасидир.



Айно АБДУЛЛАЕВ (ўса) олган сурат

Бунга бир мисол, 1999 йилнинг 10 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофоти ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида асосан 25 ёшгача бўлган иқтидорли қизлар адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги ва жамоатчилик фаолиятидаги алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мажлислар залида Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг раиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг раиси Элмира Баситханова сўзга чиқди. У ўз сўзида мамлакатимизда аёлни муқаддас библия, унга алоҳида эҳтиром

ларнинг узвий давоми дейиш мумкин.

Мазкур тадбирдан қўзланган асосий мақсад мукофот соҳибдорларининг сўнгги йилларида олиб бораётган ижодий, илмий фаолиятини мониторинг қилиш, етакчилик қобилиятига эга қизларнинг касбий салоҳиятини шакллантириш, уларнинг изланувчанлик, ташаббускорлик ва интеллектуал салоҳиятларини ошириш ҳамда жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролини кучайтиришдир.

Тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг раиси Элмира Баситханова сўзга чиқди. У ўз сўзида мамлакатимизда аёлни муқаддас библия, унга алоҳида эҳтиром

кўрсатиш, овоз ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етуқ ёшларни тарбиялашдаги бекиёс ўрнига яна бир бор эътироф этиш, баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг қўламли ислохотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш борасидаги мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидан ташриф буюрган Зулфия мукофоти совриндорларининг яқин келажака мўлжалланган режалари тингланди.

— Мен 2010 йил таълим соҳаси бўйича Зулфия мукофоти билан тақдирландим, — дейди хоразмлик Гузал Ўзбекова. — Давлатимизнинг биз ёшларга бераётган эътибор ҳамда ғамхўрлиги менга катта куч бағишлайди ва яна олға ҳаракат қилишга ундайди. Кейинги фаолиятим давомида фуқароларимиз орасида ҳуқуқий маданият ҳамда ҳуқуқий саводхонлики оширишни мақсад қилиб олганман. Келгусида ўзида ҳуқуқшунослик илмини жамланган интернет сайт яратиш, фуқароларимизни мазкур соҳадаги билимларини янада ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўймоқчиман.

Таъкидлангани, Зулфия мукофоти совриндорлари нафақат мамлакатимизда, балки дунёнинг АҚШ, Хитой каби ривожланган давлатларида тақсис олиб, ўз соҳаларидаги маънавий ва кўнжаларини янада оширомоқдалар.

Тадбир сўнггида мукофот совриндорларининг илмий асарларини чоп этишга қўмақлашиш, уларнинг фаолиятига тўсқин бўлаётган турли муаммолар ва уларни ҳал этиш юзасидан фикрлар билдирилди.

Сурат: Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Замира Алиева.

Ойбек ТОЖИБОВ



“Пул кетса кетсин, обрў кетмасин”

Ҳадемай Лондонда XXX Олимпия ўйинларига старт берилади. Ўз моҳияти ва ғоясига кўра, тинчлик ва бағрикенгликни тарғиб қиладиган мазкур спорт анжуманини ўтказиш ҳар бир давлат учун ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Шу боис ҳам ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган мазкур тадбирга давлат бюджетидан катта миқдорда маблағлар йўналтирилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, олимпиада ўйинларини ўтказиш учун сарф-харажатлар кўп ҳолатларда мўлжалдагидан ортиб кетади. Бу мусобақа тадбирларининг бошлангич лойиҳасини молиялаштириш бўйича ҳисоб-китобларнинг кескин ўзгариши билан ҳам боғлиқ. Said Business School экспертларининг ҳисоб-китоб қилишича, Лондон олимпиадасининг харажатлари ҳам бошлангич кий-матидан икки баробар ошиб кетган. Бу Атлантадаги олимпиада ўйинларидан кейинги харажатлар ошиб кетган мусобақада. Чунки 1996 йилда Атланта олимпиадаси ташкилотчилари мусобақа бюджети миқдорини 147 бараварга оширишга мажбур бўлишган эди.

Bloomberg ахборот агентлигининг ёзишича, Лондон олимпиадаси ташкилотчилари мазкур спорт анжуманига тайёргарлик жараёнида инвесторларнинг иштирокига ниҳоятда катта ишонч билан қарашгани, қолаверса, хавфсизлик талабларини қучайтириш чораларини кўзда тутмаганилиги харажатларнинг ортиб кетишига сабаб бўлган. Мазкур нуфузли турнирни ўтказишга, Said Business School экспертларига кўра, 13,1 миллиард (8,4 миллиард фунт стерлинг) доллар сарфланади. Ваҳоланки, Лондон 2005 йилда Халқаро олимпиада қўмитасига ариза топширганда, мусобақа тайёргарлик ва уни ўтказишга 4,2 миллиард фунт стерлинг харажат кетишини таъкидлаган эди.

Said Business School таҳлилчиларига қараганда, олимпиада ўйинларидан харажатлар мунтазам ошиб келган. Масалан, сўнгги 17 та ёзги олимпиада ўйинларининг харажатлари 179 фоизга кўпайган. Уларнинг фикрича, харажатларнинг кўпайиб кетиши оддий жараён. Чунки аксарият давлатлар олимпиадани ўтказиш ҳуқуқини олиш мақсадида лойиҳанинг жозибдорлигини оширишга ҳаракат қилишади. Бунда харажатлар камайтирилиб, даромадлар ошиги билан кўрсатилади. Олимпиада харажатлари энг кам ўзгарган шаҳарлардан бири — шубҳасиз, Пекин олимпиадасидир. Ўшанда тўртйилликнинг мазкур айёми харажатлари бор-йўғи 4 фоизга ошиб кетган.

Шунинг учун ҳам олимпиада ўйинларига жуда катта харажат қилинса-да, ташкилотчилар бундан олишмайди. Хатто мамлакат ушбу спорт анжуманидан яхшигина даромад ҳам кўролмайдди. Лекин “Пул кетса кетсин, обрў кетмасин” ҳикматида амал қилишиб, харажатларни кескин оширишга мажбур бўлишди.

Санъат Жўраев тайёрлади

Ўқинг, бу қизиқ

Денгиз тубидаги қадимги цивилизация

Англиялик олимлар Шимол-Денгиз тубидан «Британия Атлантидаси»ни топдилар.



Хабарларга қараганда, Доггерленд номли ушбу улкан ҳудуд бундан саккиз ярим минг аввал қўнами оқибатида сув остида қолиб кетган. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, соҳа мутахассислари томонидан олиб борилган тадқиқот ва қидирув ишлари натижасида мазкур ҳудуддан найза, қадимги қўрғон ва турар-жойларнинг қолдиқлари топилган.

Ҳайдовчилар учун янги қонун

Францияда ҳайдовчилар учун янги қонун қабул қилинди. Ҳужжатга кўра, мамлакатдаги барча юк ва енгил автомобиллар, шунингдек, мотоцикллар ҳайдовчилари ўзлари билан алкотестер мосламаларини олиб юриши шарт.



Маълумотларга кўра, бу қонунда нафақат Франция фуқароларига, балки ушбу мамлакат ҳудудида автомобиль бошқарувчан ҳар қандай чет эллик фуқарога ҳам тааллуқлидир. Хабарларга қараганда, мазкур қонун жорий йилнинг ноябрь ойидан бошлаб қўғқа қиради. Спиртли ичимлик истеъмол қилинганни аниқлайдиган ушбу мосламани ўзи билан бирга олиб юрмайдиган ҳайдовчи 11 евро миқдорида жарима солинади. Соҳа вакилларининг айтишича, ушбу лойиҳа мақсадли оқибатида келиб чиқадиغان автомобиль ҳалокатларининг олдини олишга хизмат қилади.

«Coca-Cola» полиэтилен пакетчаларда

АҚШнинг «Coca-Cola» компанияси 2012 йилнинг охирига бориб полиэтилен пакетчаларда ҳам ичимлик ишлаб чиқаришини маълум қилди.



Компания вакилларининг сўзларига кўра, ушбу янги лойиҳа қадоклаш учун сарфланадиган харажатлар миқдорини камайтиришга хизмат қилади. Ушбу пластик пакетчаларнинг шакли «Coca-Cola»нинг шиша идишига ўхшади. Маълумотларга кўра, «Coca-Cola» ичимлигининг пластик пакетларда ишлаб чиқарилиши дунёнинг икки юзга яқин мамлакатда сотиладиган ушбу маҳсулот нархининг пасайишига хизмат қилади.

Воҳа ва мовий ранг тасвири

Кўргазма

Тошкент Фотосуратлар уйда жанубий корейлик таниқли мусаввир, профессор Юн Кенг Анинг «Воҳа ва мовий ранг» номли шахсий кўргазмаси очилди.

Экспозицияга муаллифнинг 30 га яқин тасвирий санъат, заргарлик буюмлари каби қатор бадий ишлари қўйилган. У 1971 йил Жанубий Корея Республикасининг Мокпо шаҳрида таваллуд топди. Саншин хотин-қизлар университетининг металл дизайни факультетида таҳсил олди. Донгшин университетидида қимматбаҳо металлларга ишлов бериш ва заргарлик иши бўйича докторлик иши ёқлади. Ҳозир Мокпо Миллий университетидида фаолият юритмоқда. Корея санъат, рассомлар ва Саншин металл санъати уюшмалари аъзоси. Шу кунга қадар турли мамлакат ва шаҳарларда 20 дан ортқ шахсий кўргазмалари ўтказилди. Жаҳон миқёсидаги қатор кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси.

2010-2011 ўқув йилида Ўзбекистон Бадий академияси Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида металлга ишлов бериш фанидан дарс берган. Юн Кенг А ўз асарларида нашин фақат юрт воҳаси сийратини унинг турмуш тарзи билан уйғун ҳолда тасвирлайди, балки сарҳадсиз осмонни тўлдирган мовий ранг сеҳри ва ҳаёт фалсафаси билан ҳам бойитида. Орузларининг ушалоғи йўлларини саҳрода сув, қумда олтин излагандек қидиради. Муаллифнинг «Сабаб ва воқеа», «Орзу», «Тоғлар» туркумидаги қатор ишлари ҳеч бир томошабини бефарқ қолдирмайди, мулоҳаза-мушоҳадаларга қорлайди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Тиббиёт бирлашмаси — янги бинода

Бунёдкорлик

Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси биносининг замон талаблари асосида янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилиши ҳам аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилган когон доимий эътиборинг яна бир намунаси бўлди. Муассаса

сада ўн иккита бўлим фаолият юритади. Ундаги замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар касалликларни эрта аниқлаш ҳамда самарали даволаш имконини беради.

Вилоят солиққни сақлаш бошқармасидан маълум қилиш-

Яқинда Наманган шаҳар Самарқанд кўчасида жойлашган аёллар кийими дўконидида сотувчи билан келишолмади. Сабаби, ушбу дўкондан 55 минг сўмга сотиб олган кўйлагининг матаси сифатсиз, чоклари яхши тиқилмаган экан. Сотувчи кўйлакни сифатлигига алмаштириб олиш ҳақидаги тақлифимни рад этса деди.

Дилора Тўлаганова, Андижон вилояти.

— Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддаларига асосан истеъмолчи мақбул сифатли ноозик-овқат товарини харид қилган кунидан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айна шундай товарга алмаштириб олишга бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана савдо қоидалари ҳақида»ги қарорига кўра, сотувчи томонидан харидорга товарнинг нуқсонлари ҳақида айтилмаган бўлса, у ҳолда харидорнинг талаби билан шундай товарга алмаштириб бериши ёки унга тўланган пулни қайтаришда ундан тўлиқ ёки қисман фойдаланганини баҳона қилиб қийматидан бирмунча ушлаб қолишга ҳақли эмас.

Мен электр жиҳозни сотиб олдим, бироқ у бошқа кучланмиш тармоқ учун мўлжалланган экан. Сотувчи харид қийматини қайтаришни хоҳламайпти, шу тўғрисида?

Ғайратжон Тўраев, Тошкент шаҳри.

— Сотувчи харидорга товар тўғрисида етарлича тўлиқ бўлмаган маълумот берган, бунинг оқибатида истеъмолчи электр жиҳозидан қўзланган мақсадда фойдалана олмаган. Қонуннинг 7-моддасига асосан истеъмолчи шартномани бекор қилиши ва тўланган пулни қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Шу ўринда назим бир жиҳат бор. Истеъмолчи билан сотувчи ўртасида ёзма шартнома имзоланмайди. Бироқ истеъмолчи товар сотиб олаётганда у билан сотувчи ўртасида товарнинг сифати, миқдори, муқддлатлари, баҳоси ва олди-сотдиси амалга ошириладиган бошқа шартлари тўғрисида оғзаки битим тузилади. Бу Қонуннинг 1- ва 8-моддаларида кўрсатиб берилган. Пештахтага қўйилган, нарх кўрсаткичлари билан жиҳозланган товарлар, товарлар тўғрисида харидорларга қилинаётган маълумот шартнома тузиш учун тақлиф, деб эътироф этилади.

Adolat

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИКОВА, Икбол МИРЗО, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖўРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Рашид ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиққа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳрир хайъати: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма — 700. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А-2. Адади — 6733. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00.

1 2 3

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39; Қабулхона — 236-53-14, 233-40-86 (факс); Котибият — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Фарҳод ЭСОНОВ.

Навбатчи — Ойбек ТОЖИБОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

НАШР КўРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2091-5217

4772041523007